

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

30-сон
(842)
2018 йил
30 июль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

618. «Баъзи давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлдаги ЎРҚ–486-сон Қонуни
619. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 июлдаги ЎРҚ–487-сон Қонуни
620. «Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 26 июлдаги ЎРҚ–488-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

621. «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон Фармони
623. «Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 июлдаги ПК–3880-сон қарори

Учинчи бўлим

625. «Грипп юқтириш ва унинг оғир асоратларини бошидан ўтказиш хавфи юқори бўлган аҳоли ўртасида гриппнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 июлдаги 567-сон қарори
626. «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик коллежлари битирувчиларини Тошкент давлат юридик университети бакалавриятига ўқишга қабул қилиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 573-сон қарори

Бешинчи бўлим

627. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 26 июндаги 6-сон «Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлигига номзодларни махсус тайёргарликдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3041*)
629. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/25-сон «Кредит бюроларининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2318-1*)
630. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/23-сон «Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3042*)

631. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 10 июлдаги 24, 112-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Обод маҳалла» жамғармаларини ташкил этиш, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3043*)
632. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 12 июлдаги 38, 111-сон «1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ҳар йили санаторийларда соғломлаштириш курсини олиш ўрнига йўлланманинг ўртача қийматига тенг компенсация бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2913-1*)
633. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 25 июндаги 56, 47-сон «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981-1*)
634. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги бошлигининг 2018 йил 26 июндаги 369-сон «Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг автомобиль транспортини ривожлантириш жамғармаси ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3044*)
635. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 24 июлдаги 116-Н-сон «Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидаларининг 115-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2238-3*)
636. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими марказининг 2018 йил 20 июлдаги 34, 6/ққ-сон «Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантириш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2673-1*)

637. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 20 июлдаги 41-сон «Асосий дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3045*)
638. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 9 июлдаги 105, 23, 2018-53, 01-02/8-50-сон «Ўзчармсаноат» уюшмаси аъзолари — ташкилотлар учун солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференциялари қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3046*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 21 июлдан 27 июлгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

618 Баъзи давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 26 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «**Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида**»ги 510–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 616–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 97-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **7-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўрта махсус таълим муассасаларини тамомлаган ёшларга, шунингдек касб-хунар таълими муассасаларининг ва олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчиларига».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган «**Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида**»ги 513–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–394-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 9, 340-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 24 июлда эълон қилинган.

2) **32-модданинг биринчи қисмидаги** «олимпия захираси коллежлари» деган сўзлар «ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **34-модданинг учинчи қисмидаги** «мактабдан ташқари, ўрта махсус, касб-хунар ва олий» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **35-модданинг:**

биринчи қисмидаги «мактабдан ташқари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими» деган сўзлар «таълим» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «мактабдан ташқари, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида» деган сўзлар «таълим муассасаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «**Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида**»ги 625–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 12 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–375-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 246-модда) **16-моддаси** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Биржа битими тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида унинг сўровига кўра тақдим этилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ги 746–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **10-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳамда Мажбурий ижро бюроси» деган сўзлар «Мажбурий ижро бюроси ҳамда Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) қуйидаги мазмундаги **18²-модда** билан тўлдирилсин:

«18²-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш

инспекцияси (бундан буён матнда Инспекция деб юритилади) ташкил этилади. Инспекцияга мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарига тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ҳамда лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Инспекция бошлиғининг ўринбосарлари Инспекция бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Инспекция худудий бошқармаларининг бошлиқлари Инспекция бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Инспекциянинг туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимлари бошлиқлари Инспекция бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, шунингдек Инспекция худудий бошқармаларининг ҳамда туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари ушбу Қонуннинг 37-моддасида белгиланган прокурор назорати ҳужжатларини қўллайди.

Инспекция ва унинг худудий бўлинмаларининг ташкил этилиши ҳамда фаолияти тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида**»ги 768–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 52-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) **9-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида**»ги 818–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 12, 465-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда) **8-моддаси** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида кўриб чиқилган қонун лойиҳаларини, бошқа ҳужжатларни тайёрлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси девони таркибий бўлинмаларининг, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан қонун ижодкорлиги фаолиятидаги ҳамкорлигини ташкил этиш, шунингдек қонунларнинг ижро этилиши устидан Олий Мажлис палаталари томонидан парламент назоратини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иштирок этишига кўмаклашиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакилининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида**»ги 837–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) куйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **9-модданинг иккинчи қисми** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **79-модданинг матни** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «**Валютани тартибга солиш тўғрисида**»ги 841–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган 556–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-

номаси, 2004 йил, № 1-2, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 330-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда) **20-моддасининг биринчи қисми** «Марказий банки» деган сўзлардан кейин «Ҳисоб палатаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда) **24-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари бир йилда камида бир марта ўз мажлисида вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раисларининг тегишли суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитади. Халқ депутатлари Кенгашининг мазкур масала юзасидан қарори Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига юборилади»;

иккинчи қисм учинчи қисм деб ҳисоблансин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги 915–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг учинчи қисмидаги** «ягона дарча» марказларида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **10-модда биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошисидаги** «фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **11-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **13-модда:**

иккинчи қисмидаги «фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маъ-

навий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» деган сўзлар «туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг:

йигирма учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

йигирма тўртинчи ва **йигирма бешинчи хатбошилари** тегишинча **йигирма учинчи** ва **йигирма тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) **14-модда биринчи қисмининг ўн олтинчи хатбошисидаги** «диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **25-модданинг тўртинчи қисмидаги** «фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Судлар тўғрисида**»ги 924–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2017 йил, № 4, 136-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **34-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашига бир йилда камида бир марта ахборот тақдим этади;

бир ойда камида бир марта жойларда судьяларнинг аҳоли билан учрашувларини ташкил этади, шунингдек жамоатчиликни суднинг фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиб боради»;

тўққизинчи ва **ўнинчи хатбошилари** тегишинча **ўн биринчи** ва **ўн иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **38-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни амалга ошириш-

га доир фаолияти тўғрисида тегишли халқ депутатлари Кенгашига бир йилда камида бир марта ахборот тақдим этади;

бир ойда камида бир марта жойларда судьяларнинг аҳоли билан учрашувларини ташкил этади, шунингдек жамоатчиликни суднинг фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиб боради»;

тўртинчи ва **бешинчи хатбошилари** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда) **39¹-моддасининг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **12-банд** билан тўлдирилсин:

«12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросоноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари — қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талаблари бузилиши тўғрисидаги ишлар бўйича».

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда;

1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **104²-модда** билан тўлдирилсин:

«104²-модда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ва уруғликларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ва уруғликларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини, шунингдек агросаноат мажмуи соҳасида технологик жараёнлар талабларини бузиш —

энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ўсимликларига доир ҳужжатларни юритиш қоидаларини бузиш ёхуд ушбу ҳужжатларга уруғликларнинг навлари ва экилиш сифатлари тўғрисидаги нотўғри маълумотларни киритиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) қуйидаги мазмундаги **197³-модда** билан тўлдирилсин:

«197³-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органлари ходимининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда унинг талабларини бажармаслик

Далолатномаларни ва бошқа зарур ҳужжатларни, материалларни ва маълумотларни тақдим этишни, текширишлар, тафтишлар ўтказишни, мутахассислар ажратишни рад этишда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органларига келишдан, қонунни бузганлик тўғрисида тушунтириш беришдан бўйин товлашда ифодаланган тарзда Инспекция органлари ходимининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик, худди шунингдек Инспекция органлари ходимининг ҳужжатларини кўриб чиқмаслик ёхуд уларни тўлиқ ҳажмда бажармаслик, шунингдек Инспекция органлари ходимининг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказиш, —

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **215²-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«215²-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг кўрсатмалари ва тақдимномаларини бажаришдан бўйин товлаганликда ёки ўз вақтида бажармаганликда, маълумотлар базасига киришга рухсат бермаганликда ва ахборот тақдим этмаганликда, била туриб нотўғри маълумот тақдим этганликда ифодаланган тарзда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятига аралашганлик ҳамда унинг мансабдор шахсларига уларнинг зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни қонуний равишда бажаришига тўсқинлик қилиш мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатганлик, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) қуйидаги мазмундаги **215⁵-модда** билан тўлдирилсин:

«215⁵-модда. Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг арз қилувчидан мурожаатни қабул қилишни рад этганликда, давлат хизматлари кўрсатиш чоғида мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини ва муддатларини бузганликда, арз қилувчидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиб олганликда, давлат хизматлари кўрсатиш

соҳасидаги ваколатли давлат органининг қонуний талабини (топшириғини) бажармаганликда ифодаланган тарзда бузилиши, —

мансабдор шахсларга ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

мансабдор шахсларга ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **241⁹-модда** чиқариб ташлансин;

6) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «241¹ — 241¹¹» рақамлари «241¹ — 241⁸, 241¹⁰ ва 241¹¹» рақамлари билан алмаштирилсин;

7) қуйидаги мазмундаги **245⁵, 245⁶** ва **245⁷-моддалар** билан тўлдирилсин:

«245⁵-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги органлари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги органларига ушбу Кодекснинг 215⁵-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги директори ва унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ҳудудий бошқармаларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари.

245⁶-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси

Ушбу Кодекснинг 215²-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади.

245⁷-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органларига ушбу Кодекснинг 65, 66, 67, 68, 69-моддаларида (қишлоқ хўжалиги ерлари билан боғлиқ қисми), 72-моддасида, 74-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 75, 76-моддаларида (сунъий сув ин-

шоотлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан фойдаланишга оид қисми), 87-моддасида (қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиши техникасига оид қисми), 89 ва 89¹-моддаларида (қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек озиқ-овқат хавфсизлигига оид қисми), 92-моддасида (наслчиликка оид қисми), 95-моддасида (қишлоқ хўжалигига оид қисми), 104¹, 104²-моддаларида, 107-моддасида (қишлоқ хўжалигига оид қисми), 112-моддасида, 136, 139, 140, 141-моддаларида (қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиши техникасига оид қисми), 172, 173, 176¹-моддаларида (қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек озиқ-овқат хавфсизлигига оид қисми), 197³-моддасида, 200, 212, 213, 214, 227¹⁴-моддаларида (қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек озиқ-овқат хавфсизлигига оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллашга Инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Инспекция ҳудудий бошқармаларининг ҳамда туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимларининг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари ҳақлидир»;

8) **266-модда** чиқариб ташлансин;

9) **266²** ва **266³-моддалар** чиқариб ташлансин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Ер ости бойликлари тўғрисида**»ги 2018–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган 444–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда, № 12/2, 362-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) **27-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

тўртинчи қисмидаги «бешинчи ва олтинчи қисмларида кўрсатилган» деган сўзлар «бешинчи қисмида кўрсатилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми чиқариб ташлансин.

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда;

2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **68-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўрта махсус таълим муассасаларини тамомлаган ёшларга, шунингдек касб-хунар таълими муассасаларининг ва олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчиларига».

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Наслчилик тўғрисида**»ги 165–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 255-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

- 1) **6-модда** чиқариб ташлансин;
- 2) **7-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг наслчилик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси:

зотли моллар етказиб берувчи корхоналар ҳамда уларнинг истеъмолчилари томонидан ҳайвонларнинг сифат (наслдорлик) кўрсаткичлари тўғри аниқланганлиги устидан назоратни амалга оширади;

наслчилик заводлари, наслчилик хўжаликлари ва наслчилик фермаларини давлат аттестациясидан ўтказиши;

зотли моллардан оқилона фойдаланилиши, ҳайвонлар ва уларнинг уруғлари экспорт ва импорт қилиниши устидан назоратни амалга оширади;

чорвачиликда наслчилик ишларининг ҳисоби юритилиши устидан назоратни амалга оширади;

давлат, идоравий ва хусусий секторлардаги чорвачиликда наслчилик ишлари бўйича мутахассислар фаолияти устидан назоратни амалга оширади, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини зоти бўйича районлаштириш режаларининг бажарилишини текширади;

наслдор ҳайвонларнинг, наслчилик хўжалиklarининг ва подаларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини, селекция жараёнида фойдаланадиган наслчилик ресурсларининг келиб чиқиши, маҳсулдорлиги ҳисобга олинишининг, тури ва бошқа сифатлари бўйича баҳоланишининг ишончлилиги таъминланиши устидан назоратни амалга оширади;

чорвачиликда наслчилик ишлари хўжалиklarига ер участкалари ажратилиши ва улардан самарали фойдаланилиши, омукта ем корхоналари томо-

нидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари устидан назоратни амалга оширади;

наслчилик маҳсулотини (материалини) етиштириш ва унинг технологик жараёнларини ташкил этиш мувофиқлаштирилиши устидан назоратни амалга оширади»;

3) **8-модда** чиқариб ташлансин;

4) **9-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органлари ходимларининг ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органларининг ходимлари ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

идоравий мансублигидан қатъи назар наслчилик ташкилотларига монеликсиз кириш ва улардан зарур ахборотни олиш;

наслчилик ташкилотларига қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар бериш ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, насли маҳсулотни (материални) реализация қилишни тўхтатиб туриш;

хайвонлар селекцияси, насли маҳсулотни (материални) такрор кўпайтириш соҳасида янги технологияларнинг ва биотехнология усулларининг қўлланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

насли маҳсулотнинг (материалнинг) сертификатсиз реализация қилинишига ва ундан бошқача тарзда фойдаланилишига йўл қўймаслик;

наслчилик субъектлари ўртасида юзага келадиган низолар бўйича хулосалар бериш.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органларининг ходимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин»;

5) **11-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекциясига» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **16-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **21-модданинг иккинчи қисмидаги** «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **22-модданинг учинчи қисмидаги** «Қишлоқ ва сув хўжалиги ва-

зирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин».

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «**Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида**»ги 263–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 126-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 12, 350-модда) қуйидаги мазмундаги **9¹-модда** билан тўлдирилсин:

«9¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиш соҳасидаги ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиш ҳажмларини ва унинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш, давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиш бўйича олинadиган маблағлардан самарали ҳамда оқилона фойдаланилиши, шунингдек давлат ташқи қарзларига ўз вақтида хизмат кўрсатилиши устидан назорат қилиш;

давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши ҳисобидан амалга оширилadиган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги ва асосланганлигини баҳолаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар».

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «**Уруғчилик тўғрисида**»ги 267–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 130-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда; 2007 йил, № 12, 605-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалик экинлари уруғининг сифатини сертификатлаш ва назорат қилиш давлат маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **15-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15-модда. Уруғликларни сертификатлаштириш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш

инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари уруғликларни сертификатлаштириш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича давлат органидир»;

3) **16-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг уруғчилик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси:

асосий қишлоқ хўжалиги экинлари (пахта ва ғалла) учун ажратилган экин майдонларини мунтазам назорат қилади, экин майдонларининг ишлаб чиқарувчилар — фермер хўжаликлари ва бошқа хўжаликлар, туманлар ва вилоятлар томонидан қабул қилинган ҳамда тасдиқланган шартнома мажбуриятларига мувофиқлиги бўйича танлаб текширишларни амалга оширади;

пахта ва дон экинларининг уруғликлари сифати устидан назоратни амалга оширади;

қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва ушбу экинлар уруғликларининг сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижро қилиниши, қишлоқ хўжалиги экинлари навларини жойлаштириш, районлаштириш ва навли уруғликлар тайёрлаш режаларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

юқори сифатли элита уруғликларни, биринчи ва кейинги репродукциялардан ҳосил қилинган уруғликларни етиштириш, уруғликларни давлат стандартига, мавжуд йўриқномалар ва қоидаларга риоя этилган ҳолда тежаб сарфлаш устидан назоратни амалга оширади;

қишлоқ хўжалиги экинлари апробацияси тўғри ўтказилиши устидан назоратни амалга оширади;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг маҳаллий ва хорижий селекция навларининг, шу жумладан биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш устидан назоратни амалга оширади;

тармоқ корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича норматив талабларнинг халқаро стандартлар ва техник регламентларга мувофиқ ишлаб чиқилиши устидан назоратни амалга оширади;

ишлаб чиқаришда кимёвий препаратларнинг самарали қўлланилиши устидан назоратни амалга оширади;

сертификатлаштирилмаган ва давлат стандартига жавоб бермайдиган уруғликларнинг тарқатилишини тақиқлайди;

экинлар бўйича уруғлар архивининг таркиби ва уруғлар архивларининг юритилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш

инспекцияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

4) **17-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органлари ходимларининг ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органларининг ходимлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

сифат кўрсаткичларининг тўғрилигини ва давлат стандартларига мувофиқлигини текшириш мақсадида зарур таҳлиллар ўтказиш учун уруғликларнинг намуналарини танлаб олиш;

уруғликларнинг ҳимоя қилинадиган навларидан ғайриқонуний равишда фойдаланилишини тақиқлаш;

ҳар қандай уруғлик етиштирувчининг, уруғлик етказиб берувчининг ва савдо ташкилотининг ҳудудига кириш;

уруғчилик далаларига ҳамда уруғликларнинг туркумларига доир зарур ахборот, ҳужжатлар ва намуналарни олиш;

қонун ҳужжатларини бузган ҳолда уруғликни етиштириш, сақлаш ва сотиш ҳолларини тўхтатиб қўйиш ёки тақиқлаш;

мувофиқлик сертификати ва фитосанитария ёки карантин сертификати мавжуд бўлмаса, уруғликлар туркумларининг ташилишини тақиқлаб қўйиш;

мувофиқлик сертификати, фитосанитария ёки карантин рухсатномаси бўлмаган уруғликларни бошқа давлатлардан республикага олиб киришга йўл қўймаслик;

қишлоқ хўжалиги экинларининг навини янгилаш ва навларни жойлаштириш тартибини бузганлик учун хўжаликларнинг раҳбарларига ва бошқа масъул шахсларга нисбатан чоралар кўриш.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органларининг ходимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин».

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги 270–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 395–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 156-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **4-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси, Ўзбе-

кистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси (бундан буён матнда ихтисослаштирилган ташкилотлар деб юритилади) талабномада кўрсатилган селекция ютуқларининг патентга лаёқатлилигини экспертизадан ўтказди».

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) **6-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида унинг сўровига кўра тақдим этилади».

21-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**»ги 222–II-сонли Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) **1-илованинг қирқ бешинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолият».

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида**»ги 436–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2008 йил, № 9, 481-модда, № 12, 630-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) **13-моддасининг биринчи қисмидаги** «умумтаълим мактабларида, ўрта махсус ва ўрта касб-хунар таълими муассасаларида» деган сўзлар «умумтаълим мактабларида ва ўрта махсус таълим муассасаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида**»ги 522–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда) **15-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

саккизинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Масъул қўмита қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамасини ўтказати, келиб тушган фикрлар ва таклифларни умумлаштиради»;

ўн иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида муҳокама моддама-модда ўтказилади. Бунда масъул қўмита томонидан маъқулланган фикрлар ва таклифлар ҳам, маъқулланмаган фикрлар ва таклифлар ҳам муҳокама қилинади. Қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш, қоида тарикасида, моддама-модда ўтказилади. Қонунчилик палатасининг қарорига кўра қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш боблар ёки бўлимлар бўйича ўтказилиши мумкин».

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида**»ги 523–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда) **7-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сенатда бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, муҳофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси, ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси тузилиши шарт. Сенатда бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкин».

25-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрда қабул қилинган «**Автомобиль йўллари тўғрисида**»ги ЎРҚ–117-сонли Қонуни-

га (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 10, 472-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Автомобиль йўллари соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, автомобиль йўллари соҳасидаги махсус ваколатли орган (бундан буён матнда махсус ваколатли орган деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади»;

2) **6-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Махсус ваколатли орган:

автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини амалга оширади; автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилайди;

автомобиль йўлларини ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

автомобиль йўлларини лойиҳалаш соҳасидаги нормалар ва стандартларга риоя этилишини таъминлайди;

автомобиль йўлларининг халқаро транзит йўлакларини шакллантиради;

автомобиль йўлларини молиялаштириш, лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш тартиби масалалари комплекс ҳал этилишини таъминлайди, шунингдек буюртмачи хизматининг фаолиятини ташкил этади;

автомобиль йўлларининг ҳудудий архитектура-бадий тузилишига ва ландшафт дизайнига тааллуқли замонавий ёндашувларни шакллантириш ҳамда амалга ошириш бўйича ягона давлат сиёсатини ўтказиши;

автомобиль йўлларига туташ ҳудудларни транспортнинг ифлослантиришидан ва ташланмаларидан муҳофаза қилишнинг замонавий усуллари ҳамда технологияларини жорий этади;

автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш сифати устидан назоратни амалга оширади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг давлат кадастрини юритади;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларининг, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларининг ҳисоби юритилиши устидан назоратни амалга оширади;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларининг, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларининг мавжуд тармоғи сақла-нишини таъминлаш ишларини мувофиқлаштиради, уларнинг ҳолати тегишли транспорт-фойдаланиш даражасида бўлишини таъминлайди;

автомобиль йўллари соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда инновацион технологияларни, шунингдек замонавий стандартларни жорий этади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхати бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни, шу жумладан хорижда ўқув стажировкаси ва семинарлар ўтказилишини ташкил этади.

Махсус ваколатли орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

3) қуйидаги мазмундаги **6¹-модда** билан тўлдирилсин:

«6¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг автомобиль йўллари соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси:

йўл қурилиши, йўл-қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилишини назорат қилади;

қурилиши тугалланган йўл объектларини фойдаланишга қабул қилиш комиссияларининг ишида иштирок этади;

автомобиль йўллари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифлар киритади;

йўл-қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштиришга доир ишларни амалга оширади;

автомобиль йўлларида фойдаланувчиларнинг муурожаатларига кўра йўл объектларининг сифат кўрсаткичларини аниқлайди;

йўл объектларидан фойдаланишга доир ишларнинг сифатли бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

4) **7-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг, қишлоқларнинг ва овулларнинг кўчаларини ривожлантириш ҳудудий дастурларини махсус ваколатли орган билан келишилган ҳолда ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчалари тармоқларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш истиқболларини махсус ваколатли орган билан келишилган ҳолда белгилайди;

шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг, қишлоқлар ва овулларнинг транс-

порт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини махсус ваколатли орган билан келишилган ҳолда ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг, қишлоқларнинг ва овулларнинг кўчаларини лойиҳалаштириш соҳасидаги нормалар ҳамда стандартларга риоя этилишини таъминлайди;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг, қишлоқларнинг ва овулларнинг кўчаларини сақлашни таъминлайди;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларининг, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларининг ҳисобини юритади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

5) 13-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади»;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг, қишлоқларнинг ва овулларнинг кўчаларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади»;

6) 20-модданинг **иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларида, шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг, қишлоқларнинг ва овулларнинг кўчаларидан фойдаланиш тартиби махсус ваколатли орган билан келишилган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади».

26-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда) **30-моддасининг бешинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бош бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг муассасалари ҳамда «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг назорат функцияларини амалга ошириш учун кўрсатиладиган хизматлар учун ушбу Кодексда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилинади, бундан ягона ижтимоий тўлов мустасно».

27-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «**Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–139-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 1, 1-модда; 2009 йил, № 12, 471-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **23-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат боланинг бепул мажбурий умумий ўрта таълим ва ўрта махсус таълим олишини кафолатлайди»;

2) **27¹-модданинг биринчи қисмидаги** «касб-ҳунар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

28-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган «**Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–263-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 343-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **13-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошидаги** «касб-ҳунар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

29-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январда қабул қилинган «**Рақобат тўғрисида**»ги ЎРҚ–319-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 1, 5-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) **18-моддаси биринчи қисмининг биринчи хатбошидаги** «ягона дарча» марказларига» деган сўзлар «Давлат хизматлари марказларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **63-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «олимпия захиралари коллежлари» деган сўзлар «ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **72-модда 1-бандининг бешинчи хатбошиси** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«туманлар (шаҳарлар) маданият бўлимлари тасарруфидаги маданият муассасаларини, туманлар (шаҳарлар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари тасарруфидаги жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини сақлаб туриш, шунингдек маданиятни, жисмоний тарбия ва спортни, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантиришга доир мақсадли тадбирлар харажатлари»;

3) **174-модданинг матни** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари шакллантирилишини ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликларига уларнинг мувофиқлигини тизимли таҳлил қилишни;

қабул қилинаётган давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги аудитини;

бюджет тизими бюджетларига ҳамда белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларга маблағлар тушумининг тўлиқлигини ўрганиш ва назорат қилишни;

бюджет тизими бюджетларининг ҳамда белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг даромадларини кўпайтириш захираларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали аниқлаш ва сафарбар қилишни;

бюджет тизими бюджетларининг ҳамда белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг амалга оширилаётган харажатлари самардорлигини ва қонунийлигини аудитдан ўтказишни, барча даражаларда уларни қисқартириш бўйича захираларни аниқлашни;

бюджет тизими бюджетлари маблағлари ва давлатдан қарз олиш ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлигини ва асослилигини баҳолашни;

солиқ ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқишни, бюджетга оид режалаштиришнинг замонавий усулларини тизимли қоидабузарликларнинг сабабларини, шунингдек халқаро тажрибани умумлаштириш ва ўрганиш орқали жорий этишни;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасидаги нисбат мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромадга оид ваколатлари ва харажатларга доир мажбуриятлари чегараланишининг тўғрилигини баҳолашни, уларнинг молиявий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлаши юзасидан таклифлар ишлаб чиқишни;

Ўзбекистон Республикаси пул-кредит ва валюта сиёсатининг, Ўзбекистон Республикаси активлари ва мажбуриятлари ҳолатининг, олтин-валюта захираларини бошқаришнинг, шунингдек қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан амалга оширилаётган операцияларнинг ташқи аудитини амалга оширади».

31-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январда қабул қилинган «**Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида**»ги ЎРҚ–364-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 1-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) **32-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўз васийлигидаги шахснинг мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим олиши учун шароитларни таъминлаши».

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган «**Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида**»ги ЎРҚ–406-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 271-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) **23-моддаси биринчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бепул умумий ўрта ва ўрта махсус таълим олиш;

давлат таълим муассасаларида давлат грантлари доирасида бепул касб-хунар ва олий таълим олиш».

33-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 сентябрда қабул қилинган «**Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида**»ги ЎРҚ–443-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 507-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) **11-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази» деган сўзлар «Касб-хунар таълими маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

34-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

35-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 июль,
ЎРҚ–486-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

619 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 26 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 25 июлда эълон қилинган.

1) 65-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ерга эгалик қилувчилар, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан бир гектаргача майдонга эга ер участкасида суғориладиган ерларни яхшилаш ҳамда муҳофаза қилиш, шу жумладан ерлардан мақсадли, оқилона фойдаланилишини, тупроқнинг қайта тикланишини ва ҳосилдорлиги оширилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ерга эгалик қилувчилар, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан бир гектардан ортиқ майдонга эга ер участкасида суғориладиган ерларни яхшилаш ҳамда муҳофаза қилиш, шу жумладан ерлардан мақсадли, оқилона фойдаланилишини, тупроқнинг қайта тикланишини ва ҳосилдорлиги оширилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) 261-моддасининг биринчи қисмидаги «65-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар «65-моддасининг тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 266¹-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тарикасида маъмурий жазо чораларини қўллашга Ўзбекистон Республикаси ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилишини назорат қилиш бош давлат инспектори ҳамда унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятларнинг, Тошкент шаҳрининг ва туманларнинг (шаҳарларнинг) ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилишини назорат қилиш бош давлат инспекторлари ҳақлидир».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9,

510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 12-модданинг:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер тузиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг топшириғига ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари томонидан амалга оширилади»;

тўққизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ички хўжалик ер тузиш тури қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, муассасаларининг ва ташкилотларининг ҳудудини ички хўжалик негизида белгилаб олишни, қишлоқ хўжалик экинларини ва кўп йиллик дов-дарахтларни жойлаштиришни, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилишни, барча қишлоқ хўжалик ерларини (пичанзорлар, яйловлар, боғлар, тоқзорлар ва бошқаларни) жойлаштиришни, тупроқ эрозиясига қарши курашиш тадбирларини ишлаб чиқишни, шунингдек суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилишни ўз ичига олади»;

2) 13-модданинг бешинчи қисмидаги «ер тузиш хизмати органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 15-модданинг олтинчи қисмидаги «давлат кадастри ва ер тузиш хизмати органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 19-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқароларнинг ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳноманинг шакли, ушбу гувоҳномани рўйхатга олиш ва бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади»;

5) 20-модданинг:

бешинчи ва олтинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқлари ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома берилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳномани бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади»;

еттинчи қисми чиқариб ташлансин;

саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари тегишинча **еттинчи ва саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

6) **21-моддадаги** «ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ҳужжатларида» деган сўзлар «кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг ва уларга доир битимларнинг давлат реестрида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **22-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Корхонага, бинога, иншоотга ёки бошқа кўчмас мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи, ҳўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу объектлар билан биргаликда мазкур объектлар жойлашган ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

Уй-жойга, чорбоғга бўлган мулк ҳуқуқи (сотиб олиш, ҳадя ёки мерос бўйича олиш ва бошқа ҳолларда) жисмоний шахсларга ўтган тақдирда, ушбу иморатларга мулк ҳуқуқи билан биргаликда мазкур иморатлар жойлашган барча ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

Корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулк жойлашган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши мулкдорларнинг ёки улар ваколат берган органлар ҳамда шахсларнинг тегишли шартномалари, қарорлари асосида туман, шаҳар ер-кадастр дафтарида ернинг янги эгаси ёки ердан янги фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва уларга ер участкасига доимий эгалик қилиш, ундан доимий фойдаланиш ёки ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳномани топшириш йўли билан расмийлаштирилади.

Корхонанинг, бинонинг, иншоотнинг ёки бошқа кўчмас мол-мулкнинг бир қисмига бўлган мулк ҳуқуқи, ҳўжалик юритиш ҳуқуқи, оператив бошқариш ҳуқуқи янги мулкдорга ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг эгасига ўтган тақдирда, унга ер участкасининг корхонанинг, бинонинг, иншоотнинг ёки бошқа кўчмас мол-мулкнинг улушига мутаносиб бўлган қисмига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади, ер участкасини бундай ажратиш мумкин бўлмаган ҳолларда, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган масалалар юзасидан низолашилган тақдирда эса ер участкасининг бўлиниши Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари томонидан амалга оширилиб, туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан тасдиқланади ва шундан кейин ер участкасига эгалик қилиш ҳамда ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатига олиниб, давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги тегишли гувоҳномалар берилади»;

8) **23-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегаралари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари томонидан натурада (жойнинг ўзида) белгилангунига ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжат-

лар берилгунига қадар мазкур ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга киришиш тақиқланади»;

9) **27-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир оилага 0,06 гектаргача ер участкалари берилади»;

10) **32-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкасининг планини ва тавсифини тузиш, жойнинг ўзида унинг чегараларини белгилаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари томонидан бажарилади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади»;

11) **33-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатдир.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик ва жисмоний шахсларга ер участкаси бериш (ажратиш) тўғрисидаги қарорига ёки ижара, олди-сотди шартномасига ҳамда ер участкасини ўзга шахсга ўтказишнинг бошқа турларига, ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордерига, мулкдорларнинг ёки улар ваколат берган шахсларнинг қарорига асосан берилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ ушбу ҳуқуқ белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинганидан кейин кучга киради»;

12) **40-модда** қуйидаги мазмундаги **10** ва **11-бандлар** билан тўлдирилсин:

«10) ер участкасига бўлган ҳуқуқлар мажбурий тартибда бекор қилинган тақдирда, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплаш;

11) ерларни ўзбошимчалик билан эгаллашга ва (ёки) ўзбошимчалик билан қилинган қурилишга йўл қўймаслик, шунингдек ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасидаги қонунга хилоф қурилишни тўхтатиб туриш бўйича чоралар кўриш»;

13) **44-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сўғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим. Бундай ерларни сўғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитлар, ерларнинг сув билан таъминланганлиги, улардаги мавжуд сув ресурслари ҳамда бу сувларга белгиланган лимитлар инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги-

нинг, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг хулосасига мувофиқ вилоят ҳокими қарорига биноан амалга оширилади»;

14) **49-модда олтинчи қисмининг учинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкаларини олган қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўyxатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома белгиланган тартибда берилади»;

15) **79-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ерларни ўзбошимчалик билан эгаллашга ва (ёки) ўзбошимчалик билан қилинган қурилишга йўл қўймаслик, шунингдек ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасидаги қонунга хилоф қурилишни тўхтатиб туриш бўйича чоралар кўради»;

16) **80-модданинг бешинчи қисмидаги** «ер тузиш» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **87-модданинг:**

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни қуйидаги ҳолларда қопланмайди:

ер участкалари яқка тартибдаги ва кўп квартирали уйлар қуриш ҳамда уларни ободонлаштириш учун олиб қўйилганда;

ер участкалари дафн этиш жойларини ташкил қилиш учун, давлат таълим ва даволаш муассасалари, интернатлар, болалар уйлари қуриш учун олиб қўйилганда;

ер участкалари сув хўжалигига мелиоратив объектлар ва гидротехник иншоотлар қурилиши учун ажратилганда;

ер участкалари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш учун берилганда;

ер участкалари мудофаа эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда;

ер участкалари Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини жиҳозлаш эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда»;

тўртинчи қисмидаги «Қонунларда» деган сўз «Қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **88-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартибида тушадиган маблағлардан қуйидаги мўлжалланган мақсадга кўра фойдаланилади:

янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилиш;

тупроқ ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик ерларидан оқилона

фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва қайта қуриш, суғориладиган ерларни капитал режалаштириш ҳамда уларнинг сув билан таъминланиш даражасини ошириш;

пичанзорлар ва яйловларни тубдан яхшилаш;

ер тузиш, ер кадастри, ер мониторинги ва тупроқ жихатидан изланишлар олиб бориш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ҳамда бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ёки тузатиш;

автоматлаштирилган ер-ахборот тизимларини яратиш.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маблағлардан вилоят ҳокимининг қарорига биноан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга, қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга қаратилган бошқа тадбирларни амалга оширишда ҳам фойдаланилиши мумкин.

Ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартибида тушадиган маблағлар алоҳида ҳисобга олиб борилади ҳамда улардан ўрмонлар ва ўрмон мевали дарахтзорларни барпо этиш ва тиклаш, қумли ерлар, сув хавзалари ҳамда дарёларнинг қирғоқ бўйи минтақаларида дарахтзорлар барпо этиш, шунингдек ўрмон ерлари ҳолатини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириш учун фойдаланилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган «**Давлат ер кадастри тўғрисида**»ги 666–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг тегишли бўлинмалари томонидан бажариладиган аэрокосмик суратлар олишни, топография-геодезия, картография, тупроқшунослик, агрохимия, геоботаникага оид ва бошқа изланишларни ҳамда тадқиқотларни амалга ошириш, ерларни инвентаризациядан ўтказиш, ерларни миқдор ва сифат жихатдан ҳисобга олиш ҳамда баҳолаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш»;

2) **13-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқларини, ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини, шунингдек ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини, шу жумладан сервитутлар тўғрисидаги битимларни ва бошқа чекловларни ҳамда бу ҳуқуқларнинг бекор қилинишини давлат рўйхатига олиш Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг ва уларга доир битимларнинг давлат реестрига тегишли маълумотларни киритиш орқали ер участкаси жойлашган ерда амалга оширилади.

Ер участкаларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи, уларни ижарага олган, шунингдек мулк қилиб олган юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларига бўлган ўз ҳуқуқини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши шарт.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг юзага келиши, ўзгага ўтиши, чекланиши ва бекор қилиниши давлат рўйхатига олинishi лозим. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиш ййғими ундирилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш белгиланган тартибда юридик ёки жисмоний шахснинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ишларини амалга оширувчи органга берган аризасига асосан амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги зарур ҳужжатлар илова этилган ариза келиб тушган пайтдан эътиборан икки кунлик муддатда тегишли ваколатли орган томонидан амалга оширилади, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган холлар мустасно.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг юзага келиши ва бошқа шахсга ўтиши давлат рўйхатига олинганлиги ҳақида давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади, унда рўйхатга олиш санаси ва тартиб рақами кўрсатилади.

Ер участкасига бўлган, белгиланган тартибда юзага келган ҳуқуқ ушбу ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин кучга киради»;

3) **19-модданинг иккинчи қисмидаги** «ерларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб кўйишда йўл кўйилган нобудгарчилик ва кўрилган зарарларни қоплаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «**Давлат кадастрлари тўғрисида**»ги 171–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 19-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** «техноген» деган сўздан кейин «минерал» деган сўз билан тўлдирилсин;

2) **13-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кўчмас мулк ҳисобланган кадастр объектларига бўлган ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик ва жисмоний шахсларнинг кадастр объектларига бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан эътироф этилиши ҳамда тасдиқланишининг юридик ҳужжатиدير.

Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотни давлат реестрларига киритиш йўли билан амалга оширилади.

Кўчмас мулк ҳисобланган кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кадастр объектларининг барча мулкдорлари ва кадастр объектларига доир бошқа ҳуқуқларнинг эгалари учун мажбурийдир»;

3) **14-моддадаги** «идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг» деган сўзлар «идораларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 июль,
ЎРҚ-487-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

620 Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 26 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда) **565-моддасига** қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

иккинчи қисм «нотариал тасдиқланган бўлиши керак» деган сўзлардан кейин «бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Енгил автомобиллар ва мототранспорт воситаларини ижарага бериш бўйича хизмат кўрсатадиган юридик шахслар жисмоний шахслар билан енгил автомобиллар ва мототранспорт воситаларини ўттиз кунгача бўлган муддатга ижарага бериш шартномаларини оддий ёзма шаклда тузишлари мумкин».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «**Инвестиция фаолияти тўғрисида**»ги 719–I-сонли Қонунига

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 27 июлда эълон қилинган.

(Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–380-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 342-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Инвестиция лойиҳаси иқтисодий, ижтимоий наф ва бошқа йўсиндаги наф олиш учун инвестицияларни амалга оширишга ёхуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар комплекси ёки алоҳида тадбирдир»;

2) **15-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «Инвестиция дастурига» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **18-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **20-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20-модда. Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари — бу узоқ муддатли истиқбол учун тасдиқланадиган, тармоқ, ҳудудий ва мақсадли ривожланиш концепциялари асосида шакллантирилган ҳамда мамлакат иқтисодиётини барқарор ва изчил ривожлантиришга эришишга, мавжуд табиий, минерал-хом ашё, молиявий, моддий, меҳнат ресурсларидан ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш йўли билан мамлакат иқтисодиётининг айрим тармоқлари ҳамда минтақаларини тузилмавий жиҳатдан ўзгартириш бўйича асосий устуворликлар ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган ўзаро узвий боғлиқ бўлган чоралар мажмуидир.

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари тасдиқланган ривожлантириш концепциялари асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумдавлат дастурлари бажарилишини таъминлаш мақсадида уч йиллик муддатга шакллантирилиб, бунда инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш муддатлари ҳамда молиялаштириш манбалари ҳисобга олинади, уларнинг асосий кўрсаткичлари ҳар йили аниқлаштириб ва янгилаб борилади. Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш манбалари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади»;

5) **21-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул

қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда) **282-моддаси иккинчи қисмининг 18-бандидаги** «Инвестиция дастурига» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **23-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «Давлат инвестиция дастурида» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **49-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «Давлат инвестиция дастурига» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **152-модда бешинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «давлат инвестиция дастурларини» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **154-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «давлат инвестиция дастурини» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **177-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «давлат инвестиция дастурларини» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 майда қабул қилинган **«Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–386-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 5, 179-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модда:**

бешинчи қисми «бир йил муддатга тузилади» деган сўзлардан кейин «бундан ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Йўловчиларни ва уларнинг мол-мулкани автомобилда ташишни амалга оширувчи ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси уч ойдан бир йилгача бўлган муддатга тузилиши мумкин»;

олтинчи ва **еттинчи қисмлари** тегишинча **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **8-модданинг иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси (бундан буён матнда суғурта полиси деб юритилади) тегишли бланкада ва ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасига киритилган транспорт воситаларининг сонига тенг нусхаларда расмийлаштирилади. Суғурта полиси бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат бўлиб, ҳисобга олиш сериясига, рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлиши керак.

Суғурта полисида қуйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак:

суғурталовчи тўғрисидаги;

ташувчининг номи ва жойлашган ери (почта манзили) ҳақидаги;

суғурталовчининг, унинг барча филиалларининг номи, жойлашган ери (почта манзили), улар билан алоқа боғлаш воситалари ҳамда уларнинг иш вақти тўғрисидаги;

ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш даври ҳақидаги;

суғурта мукофоти тўғрисидаги;

суғурта пули ҳақидаги;

ташувчининг транспорт воситаси (вагонлари) (тури, маркаси, модели, рақамли (танитувчи) белгиси, ишлаб чиқарувчи завод паспорти бўйича йўловчи сифими) тўғрисидаги;

ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг бошқа муҳим шартлари ҳақидаги»;

3) **16-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ташиш кунда амалда бўлган суғурта полисининг нусхасини ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасига киритилган барча транспорт воситаларига ва (ёки) ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштириши».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил,

№ 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **32-модданинг учинчи қисми** «Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимида» деган сўзлардан кейин «ёки вақтинча олиб кириш божхона режимида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **64-модда тўртинчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «инвестиция дастурига» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **245-модда:**

биринчи қисмининг:

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошиси тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси «контрактлар бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзи узилгунига қадар рад этишга» деган сўзлардан кейин «бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **260-модданинг «г» кичик банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«г) товарнинг кузатув ҳужжатларидан фойдаланилган ҳолда:

юридик шахслар учун ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар учун қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваригача бўлган товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда, бундан товарлар ташқи савдо контрактлари (шартномалари, келишувлари) бўйича мажбуриятларни бажариш доирасида олиб ўтилаётган ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳоллар мустасно;

хориждаги кўргазма ва ярмаркаларда намойиш этиш учун мўлжалланган, ушбу товарларни декларациялаш кунида расмий айирбошлашнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича беш минг АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги товарларни олиб чиқишда, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

қиймати расмий айирбошлашнинг ушбу товарларни декларациялаш кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича бир минг АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги товарларни умумжаҳон Интернет тармоғида онлайн дўконлари орқали экспорт қилиш чоғида амалга оширилади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова) **27-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банкротлик тўғрисидаги ишлар жумласига юридик шахсларни ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва қонунда белгиланган тартибда яқка тартибдаги тадбиркор макomini олган фуқароларни, шунингдек пул мажбуриятлари бўйича кредитор-

ларнинг талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган, якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларни, агар пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиққан бўлса, банкрот деб топиш тўғрисидаги ишлар киради».

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

9-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 5-моддаси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 июль,
ЎРҚ-488-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

621 Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатда тадбиркорлик фаолиятининг тўсқинликсиз амалга оширилишини таъминлаш, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда.

Ушбу мақсадда муқобил текширувлар ва режадан ташқари текширувларнинг барча турлари бекор қилинди, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги бир қатор лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари қисқартирилди ҳамда соддалаштирилди. Мазкур чора-тадбирлар мамлакатда ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро миқёсдаги рейтингига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолияти соҳасида бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда, уларнинг ҳал этилиши бизнесни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоясини таъминлаш имконини беради. Хусусан:

биринчидан, назорат қилувчи органлар ва инсофли тадбиркорлик субъектлари ўртасида ишончли ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг қабул қилинганлиги амалдаги текширувлар тизимини, давлат назоратининг бошқа турларини, шунингдек, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тартибини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этади;

иккинчидан, қонун ҳужжатларида замон талабларига жавоб бермайдиган айрим ҳуқуқий механизмларнинг мавжудлиги сабабли солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пенялар ва молиявий жарималар бўйича қарздорликлар сунъий йўл билан йиғилиб бормоқда;

учинчидан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган давлат органларининг самарасиз ва ортиқча назорат функциялари амал қилмоқда;

тўртинчидан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларнинг ташкилий жиҳатлари ва тартиб-таомилларини комплекс тартибга солиш ҳамда уларнинг қонунийлиги мониторингини олиб боришнинг

* Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 28 июлда эълон қилинган.

ягона яхлит тизими мавжуд эмаслиги назорат қилувчи органлар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш ва ўтказиладиган текширувларнинг асослилигини холис баҳолаш имконини бермаяпти;

бешинчидан, ўтказиладиган текширувларнинг очиқлиги, ошкоралиги ва холислигини таъминловчи назорат қилувчи органлар фаолияти устидан мустақил жамоатчилик назорати тизими жорий этилмаган;

олтинчидан, кўчмас мулк объектларини бузиб, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплашнинг амалдаги механизмидаги камчиликлар уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келмоқда, тадбиркорлик субъектларининг давлатга бўлган ишончига путур етказмоқда, шунингдек, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини пасайтирмоқда.

Бизнесни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини янада кучайтириш, мамлакатда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг мазкур Фармон кучга кирган вақтда мавжуд бўлган қатъий белгиланган солиқ ва ушбу қарздорлик учун ҳисобланган пенялар бўйича қарздорликни, шунингдек, молиявий жарималар ва суд харажатлари (суд чиқимлари бундан мустасно) бўйича қуйидагиларга ҳисобланган қарздорликни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

2018 йил 1 апрелга қадар якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларга ва 2018 йил 1 апрелдан молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган (шу жумладан, фаолиятини вақтинча тўхтатган) якка тартибдаги тадбиркорларга;

давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлиги учун бир йиллик қатъий белгиланган солиқ суммаси ҳисобланган жисмоний шахсларга.

Ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган қарздорликларни ҳисобдан чиқариш, мазкур банднинг тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган шахслар 2019 йил 1 январга қадар муддатда тадбиркорлик фаолиятини тиклаган ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳолларда амалга оширилиши белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ушбу бандда кўрсатилган шахсларнинг тадбиркорлик ва молия-хўжалик фаолиятини тиклашда, шунингдек, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишда фаол ёрдам берсин, бажарилган ишлар натижалари тўғриси-

даги ойлик ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

2. Якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият олиб бораётган жисмоний шахслардан тегишли фаолият тури бўйича белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланган бир йиллик миқдордаги қатъий белгиланган солиқни бир йўла ундириш тартиби бекор қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Олий суд билан биргаликда уч ой муддатда тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларга ҳисобланган ундириш умидсиз бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, мазкур қарздорлик учун ҳисобланган пенялар бўйича қарздорликни, шунингдек, молиявий жарималар ва суд харажатлари (суд чиқимлари бундан мустасно) бўйича қарздорликни хатловдан ўтказсин, кейинчалик кўрсатилган қарздорликларни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш чораларини кўрсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Марказий банки, Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги бўлган ва икки ой давомида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби;

молия-хўжалик фаолиятни амалга оширмаётган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш, шунингдек, фаолият кўрсатмаётган ташкилотлар ва муассислари узоқ муддат бедарак бўлган ташкилотларнинг умидсиз қарздорлигини ҳисобдан чиқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. 2018 йил 1 сентябрдан:

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган назорат тартибдаги текширувлар бекор қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 сентябрдан:

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиш тегишли тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни ташаббус қилишни назарда тутувчи «хавфни таҳлил этиш» тизими натижалари асосида амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олиниши шарт;

Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар ноқонуний ҳисобланади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувларнинг натижалари назорат қилувчи органлар томонидан текширув тамомлангандан кейин уч кун давомида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида киритилади.

6. Қўйидагилар:

Ваколатли орган билан келишилган ҳолда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар турларининг рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

Назорат қилувчи органлардан бошқа ташкилотларга ўтказилаётган айрим назорат функциялари рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 сентябрдан амалга киритилсин.

7. Назорат қилувчи органлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Савдо-саноат палатаси билан келишган ҳолда 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда ўз фаолиятига «хавфни таҳлил этиш» тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги тегишли низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги назорат қилувчи органларга «хавфни таҳлил этиш» тизимини ўз фаолиятига жорий этишда қўмаклашсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимининг бошланғич версиясини ишлаб чиқсин ҳамда 2019 йил 1 январдан унинг қўйидагиларга имкон берувчи тўлиқ версиясини ишга туширсин:

а) ваколатли органга:

назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларида текширувларни ўтказиш юзасидан қабул қилинган қарорларнинг асослилигини ўрганиш ва текширувларни ўтказишга ноёб код билан рухсат бериш;

назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган текширувлар ўтказиш тартибига риоя этилаётганлиги устидан назоратни амалга ошириш;

б) назорат қилувчи органларга ўтказилган текширувлар натижаларини киритиш;

в) тадбиркорлик субъектларига ўз сўровларига кўра ўтказилаётган текширув ҳақидаги ахборотни қисқа хабар (SMS) кўринишида ҳамда реал вақт режимида Интернет тармоғи орқали олиш.

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ушбу Фармон қоидаларини инобатга олган ҳолда «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ўрнатилган тартибда киритсин;

бир ой муддатда «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга киргунга қадар амал қиладиган Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомни ҳамда Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5087-сон Фармони-га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик субъектлари — Палата аъзоларининг фаолиятида ўтказиладиган текширувлар мониторингини амалга ошириши ҳамда текширувларда иштирок этиши маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларга тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳамда яқунлари юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ахборот тақдим қилиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектларида текширувлар ўтказиш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Марказий банкининг 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб яқка тартибдаги тадбиркорларга Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган янги енгил автомобилларни банк корпоратив карталари орқали сотиб олиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси (кейинги ўринларда «Давергеодезкадастр» кўмитаси деб юритилади) ва Адлия вазирлигининг 2018 йил 1 октябрдан кўчмас мулкка (ер участкалари, бино ва иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтларга) бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаш-

тиришни бекор қилиш, тегишли ёзувни қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва улар билан тузилган битимлар давлат реестрига электрон шаклда киритиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. 2018 йил 1 октябрдан шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

қўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар тўғрисидаги, шу жумладан, ушбу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўтиши, чекланиши ва бекор қилиниши, шунингдек, улар билан тузилган битимлар ҳақидаги ахборот маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат нотариал идоралари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ҳудудий тузилмалари, шунингдек, бошқа ваколатли органлар томонидан «Давергеодезкадастр» қўмитасининг ҳудудий органларига тегишли хатти-ҳаракатлар содир этилган кундан бошлаб бир кун муддатда ахборот-коммуникация тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилади;

«Давергеодезкадастр» қўмитасининг ҳудудий органлари ушбу банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ахборотга асосан қўчмас мулкка бўлган тегишли ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаат қилганда, давлат ва бошқа ташкилотлар сўров юборганда «Давергеодезкадастр» қўмитасининг ҳудудий органлари қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва улар билан тузилган битимлар давлат реестридан тегишли ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи электрон ва (ёки) қоғоз шаклдаги кўчирмани тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда ушбу банднинг талабларидан келиб чиққан ҳолда қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва улар билан тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини қайта кўриб чиқсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплашнинг қўйидагиларни назарда тутувчи янги механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармани (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил қилиш;

Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг аниқ манбаларини белгилаш, уларда маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми маблағлари жалб қилинишини назарда тутиш;

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилишини Жамғарма билан мажбурий тарзда келишиш тартибини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг аниқ манбаларини назарда тутган ҳолда, Жамғарма фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарорини қабул қилсин.

17. 2018 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 4-иловага* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 июль,
ПФ-5490-сон

* 4-илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**623 Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Маҳаллий кино саноати миллий маданият ва санъатни ривожлантиришга, ёшларни садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, кекса авлодга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга бебаҳо ҳисса қўшмоқда. Кино инсон билимини ортиришда муҳим роль ўйнайди, унинг бой мазмуни эса аҳолининг билимдонлик даражасига бевосита таъсир қилади.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳақиқий ҳолати миллий кино саноатининг жадал ривожланишига, кино бозорида рақобатбардошлигини оширишга, уни хорижда тарғиб қилишга тўсқинлик қиладиган бир қатор ҳал этилмаган муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

биринчидан, ишлаб чиқиладиган кино маҳсулотларининг мафқуравий-бадий даражасининг пастлиги, сценарийнавислик, режиссёрлик ва актёрлик ишларининг лозим даражада сифатли эмаслиги, ёшлар учун маънавий намуна бўлиб хизмат қиладиган бадий образларнинг кўпинча мавжуд эмаслиги ёш авлодни жасорат ва қатъиятлик руҳида тарбиялаш, ёт «оммавий маданият»га қарши курашиш каби миллий кинематографиянинг асосий мақсадларини амалга ошириш имконини бермаяпти;

иккинчидан, кино маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмасини бериш юзасидан шакланган амалиёт қўлланиладиган тартиб-таомилларнинг очиқлиги ва шаффофлигини, бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминламаяпти, шунингдек, кинематография соҳасида соғлом рақобат муҳити ривожланишига тўсқинлик қилмоқда;

учинчидан, кино саноати соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш стратегиясининг, ишлаб чиқиладиган кино маҳсулотларининг ўзини қоплай олиши ва даромад келтиришига қаратилган замонавий маркетинг тадқиқотлари ва аниқ мақсадли кино ишлаб чиқариш дастурларининг мавжуд эмаслиги миллий кинематографиянинг юқори зарар билан ишлашига сабаб бўлди;

тўртинчидан, кинопрокат ва республика бўйлаб кино маҳсулотларини етказиб бериш самарасиз тизимининг мавжудлиги, ишлаб чиқарилган кино маҳсулотларининг етарли даражада тарғиб қилинмаслиги сабабли аҳолининг суут хабардорлиги кинопрокатчилар даромадларига, кинокомпанияларнинг ижодий ва ишлаб чиқариш ходимларини моддий рағбатлантиришга салбий таъсир кўрсатди, шунингдек, кинотеатрлар тармоғи фаолиятининг тугатилишига олиб келди;

бешинчидан, давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқариладиган кино маҳсулотларига ажратиладиган маблағларнинг етарли эмаслиги, кино ишлаб чиқарувчиларни солиққа тортиш тизимининг самарасизлиги ва юқори солиқ юки кино саноати соҳасининг даромадлигини чекламоқда

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 июлда эълон қилинган.

ва кинематографиянинг умумжаҳон ривожланиш тенденцияларига мувофиқ илғор инновацион ва рақамли технологияларни жорий этишни рағбатлантирмапти;

олтинчидан, кино соҳасида кадрларни тайёрлаш тизими замонавий талабларга жавоб бермайди, ихтисослаштирилган, шу жумладан хорижий давлатларнинг олий ўқув юртларида талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш, кино санъати вакиллари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишлари ташкил этилмаган;

еттинчидан, муаллифлик ҳуқуқи объектларини, шу жумладан кино маҳсулотларининг ноқонуний тарқатилишини аниқлаш ва олдини олиш, улар билан рухсатсиз фойдаланишдан ишончли ҳимоя қилиш, ўғринча кўчириб олишга қарши курашишнинг аниқ механизмлари мавжуд эмаслиги кино маҳсулотларининг асл нусхаларини юқори даражада ноқонуний айланишига ва мамлакатнинг кинокомпаниялари ҳамда кинотеатрларига сезиларли зарар етказилишига олиб келмоқда;

саккизинчидан, маҳаллий сара киноленталарни жаҳонга машҳур халқаро кинофестивалларга тақдим этиш, шу жумладан уларда иштирок этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмаяпти, маданий ўзаро алмашинув даражасининг пастлиги эса миллий кинематографиянинг хорижда фаол тарғиб қилинишига ва унинг жаҳон кино майдонига қўшилишига имкон бермаяпти.

Мамлакатда кино саноатини янада ривожлантириш, кинокомпанияларни танлаб олишнинг шаффофлигини таъминлаш, кинематография соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида:

1. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги (кейинги ўринларда «Ўзбеккино» МА деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда «Ўзбекфильм» АЖ акциядорларининг:

«Ўзбекфильм» акциядорлик жамиятини жамият таркибидан чиқиб кетадиган акциядорлар билан қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳисобкитобни амалга оширган ҳолда «Ўзбекфильм» давлат унитар корхонаси этиб қайта ташкил этиш;

«Хужжатли фильмлар киностудияси» давлат унитар корхонасини мамлакатда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини ва давлат ва жамият ҳаётидаги энг муҳим соҳаларда эришилган ютуқларни тасвирга олиш ва уларни кейинчалик архивлаштириш бўйича вазифаларни юклаган ҳолда «Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси» давлат унитар корхонаси сифатида қайта номлаш;

«Ўзбеккино» МАнинг худудий бўлинмалари негизда уларнинг штатлар бирликларини, бино ва бошқа моддий-техника базаси, шунингдек, 2020 йилнинг 1 январига қадар муддатда амалдаги молиялаштириш манбаларини сақлаган ҳолда «Республика кинопрокат маркази» давлат унитар корхонасининг филиалларини ташкил этиш;

«Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси» давлат муассасасини унинг

балансида бўлган мол-мулк ва бошқа моддий-техник қимматликларни (кўчмас мулкни бепул фойдаланишга) топшириш орқали нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда янги ташкил этилаётган нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин, унинг устав органларини шакллантиришда зарурий амалий ёрдам кўрсатсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

2019 йилнинг 1 январидан бошлаб, «Ўзбеккино» МА Бадий кенгаши томонидан давлат буюртмаси асосида суратга олинадиган кино маҳсулотларнинг йиллик тематик режаси юзага келаётган вазият, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган янгиланишлар, шунингдек, аҳолининг мазмунли кинофильмларга бўлган реал эҳтиёжидан келиб чиқиб шакллантирилади;

ишлаб чиқариладиган бадий фильмларни давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқариладиган бадий фильмларнинг йиллик ҳажмига нисбатан фоизда жанрлар бўйича квоталаш тизими жорий этилади;

2019 йил 1 январдан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, мамлакатдаги барча кинотеатрларда намоиш этиладиган маҳаллий бадий фильмлар намоиши ҳажмларини — суткада иккитадан кам бўлмаган шу каби тўлиқ метражли фильмлар билан, 2021 йил 1 январдан эса ойлик экран вақтининг 25 фоизидан кам бўлмаган, байрам кунлари 40 фоиздан кам бўлмаган миқдорда квоталаш тизими жорий этилади;

давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқариладиган бадий фильмларнинг смета харажатларида кўрсатилган маблағнинг 10 фоизи фақатгина уларнинг рекламаси ва телевидение, радио ва Интернет тармоқларидаги пиар-компаниясига, шунингдек, ташқи рекламасини жойлаштириш учун фойдаланилади;

давлат буюртмаси бўйича кино маҳсулотларини Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидаги телерадиоканалларда реклама қилиш, миллий телерадиокомпания телеканалларида намоиш қилишда «Ўзбеккино» МАНинг шахсий кино маҳсулотлари учун муаллифлик ва мулкий ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда, имтиёзли шартларда амалга оширилади;

кинокомпанияларнинг, мулкчилик шаклидан қатъи назар, давлат буюртмаси бўйича кино маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги иштироки фақат «Ўзбеккино» МА томонидан қонун ҳужжатларига асосан ташкил этиладиган танлов асосида амалга оширилади;

«Ўзбеккино» МА Бадий кенгаши таркиби продюсерлар, адиблар, тарихчилар, кинооператорлар, режиссёрлар, кинопрокатчилар, кинотанқидчилар, психологлар, кинематография соҳасидаги нодавлат ташкилотлар вакиллари ва бошқа мутахассислардан шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда «Ўзбеккино» МА томонидан тасдиқланади;

«Ўзбеккино» МА Бадий кенгаши таркибига, Кенгаш томонидан қабул қилинадиган қарорларга бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган шахсларнинг киришига ва уларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

«Ўзбеккино» МА Бадий кенгаши томонидан давлат буюртмаси бўйича

кино маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичи якунида тайёр маҳсулотнинг режиссёрлик сценарийсига, харажатлар сметаси параметрларига, суратга олиш жараёнининг техник ва технологик талабларига мослиги ҳамда кино маҳсулот яратиш тўғрисидаги шартномада ўрнатилган бошқа талабларга риоя этилиши юзасидан баҳолаш амалга оширилади, сўнгра ушбу кино маҳсулот (унинг қисмлари) қабул қилинади.

«Ўзбеккино» МА Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 октябрга қадар муддатда давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқариладиган кино маҳсулотлари учун конкурс ташкил этиш ва уни ўтказиш тартиби, шу жумладан конкурсда қатнашадиган кинокомпаниялар учун талабларни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги ПҚ–3176-сон қарори билан ташкил этилган Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссиясининг:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг иқтидорли битирувчиларини ҳамда институтда «Ижро этувчи продюсер» ва «Кинорежиссура ва кинодраматургия» йўналишлари бўйича дастлабки саралашдан ўтган бакалавр даражасига эга миллий кинематография соҳасининг мутахассисларини С.А. Герасимов номидаги Бутунроссия кинематография давлат институти (кейинги ўринларда — БКДИ) қошидаги «Кино ва телевидение»нинг олий курсларига ўқишга юбориш;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бакалавриатининг ихтисослашган йўналишлари иқтидорли битирувчилари учун БКДИ ассистентура-стажировкасида «Ижро этувчи продюсер», «Драматургия» ва «Аудиовизуал санъат режиссураси» мутахассисликлари бўйича ўқишларни ташкил этиш;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳрида кинематография соҳасининг малакали кадрларини тайёрлаш бўйича БКДИ филиалини (қўшма факультетини) очиш, ўқитувчилик фаолиятига БКДИ юқори курсларида ва ассистентура-стажировкасида аввал тайёргарликдан ўтган мутахассисларни, шунингдек, мастер-класслар ўтказиш учун институт профессор-ўқитувчиларини жалб қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. «Ўзбеккино» МА Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 декабрга қадар бўлган муддатда БКДИ юқори курсларида ва ассистентура-стажировкасида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти битирувчилари ҳамда республика мутахассислари ўқишини ташкил этиш, шунингдек, Тошкент шаҳрида институт филиалини (қўшма факультетини) очиш бўйича БКДИ раҳбарияти билан музокаралар ўтказсин.

Белгилансинки:

БКДИ юқори курсларида ва ассистентура-стажировкасида ўқишга юбориладиган шахслар сони «Ўзбеккино» МА томонидан Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тегишли соҳа мутахассисларига бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

БКДИ юқори курсларида ва ассистентура-стажировкасида ўқиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигининг Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази томонидан марказга ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар доирасида молиялаштирилади;

БКДИ олий курсларида ва ассистентура-стажировкасида ўқиш учун саралашдан муваффақиятли ўтган номзодлар билан шартномалар тузилади. Шартномаларда номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шу жумладан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ҳамда БКДИнинг Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган филиалида (қўшма факультетида) камида уч йил муддатда меҳнат фаолиятини амалга ошириш мажбурияти белгилаб қўйилади.

5. Қуйидагилар асосий вазифалари этиб белгиланган «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳузурида Киноиндустрия соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин:

киноиндустрия соҳасининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар кинокомпанияларнинг ижодий-ишлаб чиқариш, техник ва бошқа ходимларини шартнома асосида режиссура, продюсерлик, актёрлик маҳорати, кинооператорлик, анимация ва бошқа йўналишлар бўйича қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш;

назарий жиҳатдан тайёрлашни амалий ишлар билан интеграция қилиш, киноиндустрия соҳасида тажрибага эга малакали ўқитувчилар ва мутахассисларни, шунингдек, хорижий экспертларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларига жалб қилиш;

методик ва ахборот базасини яратиш, яхшилаш, доимий янгилаб бориш, киноиндустрия соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича зарур ўқув қўлланмалари ҳамда тавсияларини ишлаб чиқиш;

киноиндустрия соҳаси ходимларини хорижий кинокомпанияларда қайта тайёрланиши ва уларнинг малакасини оширилишини ташкил этиш, чет эллик ҳамкорлар билан яқин алоқаларни йўлга қўйиш.

Белгилаб қўйилсинки:

Марказ давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилади;

Марказ киноиндустрия соҳасининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар кинокомпанияларнинг ижодий-ишлаб чиқариш, техник ва бошқа ходимларини ўқитиш учун олинадиган маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Марказга «Ўзбеккино» МА бош директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва эгаллаб турган лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

6. Қуйидагилар:

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳузуридаги Киноиндустрия соҳаси хо-

димларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида киноиндустрияни янада такомиллаштириш «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ;

«Учта шаҳар», «101» ва «Қаҳрамонлар» лойиҳаларини амалга ошириш «Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

«Учта шаҳар» лойиҳасини амалга ошириш доирасида комплекс ташкилий-техник ва ҳуқуқий масалаларнинг сифатли ҳамда ўз вақтида ҳал этилиши учун:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг раиси С.Р. Холмуродов — «Халқ дипломатияси шаҳри» мажмуи қисми юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов — «Этношаҳар» мажмуи қисми юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқарувининг раиси А.С. Султонов — «Киношаҳар» мажмуи қисми юзасидан шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

7. «Ўзбеккино» МА Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон кинематографиясини ривожлантириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда ҳар йили энг яхши маҳаллий кино маҳсулотларини Канн, Берлин, Венеция, Роттердам, Пусан, Москва ва бошқа машҳур халқаро кинофестивалларда, шунингдек, жаҳоннинг йирик нуфузли кинобозорларида намойиш этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзбеккино» МАНинг асослантилган ҳисоб-китоблари бўйича халқаро кинофестиваллар ва кинобозорларда маҳаллий кино маҳсулотларини намойиш этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳузуридаги Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси маблағларини ҳисобга олган ҳолда бюджет маблағларини ажратсин.

8. 2018 йил 1 августдан бошлаб «Ўзбеккино» МА марказий аппаратининг ходимларига уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ойлик жамғармасининг 100 фоизи миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадиган шахсий устама белгилансин.

9. 2020 йил 1 январгача бўлган муддатга:

кино маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг прокати билан шуғулланувчи ташкилотлар барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалар тўлашдан, бундан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ажратмалар мустасно, шунингдек, ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган кино ишлаб чиқариш ва кино намойиш этиш ускуналари учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари);

«Ўзбеккино» МА ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича «Ўзбекфильм», «Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси», «Рес-

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

публика кинофонди», «Республика кинопрокат маркази», «Мультипликацион фильмлар студияси» давлат унитар корхоналарини қайта қуриш ва жиҳозлаш доирасида олиб кириладиган кино ишлаб чиқариш ҳамда кино намойиш этиш ускуналари учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари) озод этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарор талаблари, шунингдек, киноиндустрия соҳасидаги бошқа устувор вазифаларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига:

а) 2018 йил 1 августга қадар кинематография соҳасида талаб юқори бўлган кадрларни (кинодраматург, кинорежиссёр, кинопродюсер ва бошқалар) тайёрловчи янги факультет очишни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини;

б) 2018 йил 1 ноябрга қадар:

«Кинематография тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий кинокомпаниялар томонидан бадий фильмларни кинога, видеога туширишдаги тартиб-таомиллар ва талабларни янада соддалаштиришга доир таклифларни киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 апрелдаги 272-сон қарорининг 4-бандида кўрсатилган ягона кинопрокат электрон тармоғини ишлаб чиқиш, кинотеатрларни оптик толали алоқа линияси орқали кинопрокат тармоғига босқичма-босқич улаш, кинотеатрларда электрон киночипталарнинг тезкор ҳисобини юритиш автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш бўйича ишларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

12. «Ўзбеккино» МА Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 1а-уй манзилига жойлаштирилсин.

13. «Ўзбеккино» МА Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М. Султонов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 июль,
ПҚ-3880-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

625 Грипп юктириш ва унинг оғир асоратларини бошидан ўтказиш хавфи юқори бўлган аҳоли ўртасида гриппнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 18 майдаги ПҚ–3729-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, грипп юктириш ва унинг оғир асоратларини бошидан ўтказиш хавфи юқори бўлган аҳоли ўртасида гриппнинг олди олинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Грипп юктириш ва унинг оғир асоратларини бошидан ўтказиш хавфи юқори бўлган ҳамда мавсумдан олдин эмланадиган шахслар контингенти иловага мувофиқ белгилансин.

2. Белгилансинки, грипп юктириш ва унинг оғир асоратларини бошидан ўтказиш хавфи юқори бўлган, «Меҳрибонлик» уйлари, қариялар ва ногиронлар учун «Саховат» интернат уйлари, ногиронлар ҳамда ногирон болалар учун «Мурувват» интернат уйлари, болалар шаҳарчалари, болалар уйларида, шунингдек, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатларда) яшаётган шахслар контингенти мавсумдан олдин Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан, қолган контингент ўз маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобидан эмланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йилдан бошлаб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича грипп юктириш ва унинг оғир асоратларини бошидан ўтказиш хавфи юқори бўлган, «Меҳрибонлик» уйлари, қариялар ва ногиронлар учун «Саховат» интернат уйлари, ногиронлар ҳамда ногирон болалар учун «Мурувват» интернат уйлари, болалар шаҳарчалари, болалар уйларида, шунингдек, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатларда) яшаётган шахслар контингентини эмлаш учун зарур маблағлар ажратишни назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 24 июлда эълон қилинган.

грипп юктириш ва унинг оғир асоратларини бошидан ўтказиш хавфи юқори бўлган, «Меҳрибонлик» уйлари, қариялар ва ногиронлар учун «Саховат» интернат уйлари, ногиронлар ҳамда ногирон болалар учун «Мурувват» интернат уйлари, болалар шаҳарчалари, болалар уйларида, шунингдек, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатларда) яшаётган шахслар контингенти мавсумдан олдин ўз вақтида эмланишини;

аҳоли ўртасида ва оммавий ахборот воситаларида грипп юктириш хавфи ҳамда унинг оғир асоратлари тўғрисида, шунингдек, грипп юктириш ва унинг оғир асоратларини бошидан ўтказиш хавфи юқори бўлган шахслар контингентини эмлаш масалалари бўйича маърифат ишлари ўтказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ушбу қарорга мувофиқ ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан қатъий назоратни таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шодмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 июль,
567-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 23 июлдаги 567-сон қарорига
ИЛОВА

**Грипп юктириш ва унинг оғир асоратларини бошидан
ўтказиш хавфи юқори бўлган ҳамда мавсумдан олдин
эмланадиган шахслар
КОНТИНГЕНТИ**

1. Ҳомиладор аёллар.
2. Нафас олиш органлари ва юрак-қон томир тизимларининг маълум сурункали касалликларига чалинган 6 ойликдан катта болалар ва катта ёшлilar.
3. 60 ёшдан ошган шахслар.
4. 6 ойликдан 59 ойликкача бўлган болалар.
5. Тиббиёт ходимлари.

6. «Меҳрибонлик» уйлари, қариялар ва ногиронлар учун «Саховат» интернат уйлари, ногиронлар ҳамда ногирон болалар учун «Мурувват» интернат уйлари, болалар шаҳарчалари, болалар уйларида, шунингдек, жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатларда) яшаётган шахслар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

626 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик коллежлари битирувчиларини Тошкент давлат юридик университети бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чоратадбирлар тўғрисида» 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарорига мувофиқ ҳамда мамлакат ҳудудлари учун малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чоратадбирлар тўғрисида» 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори билан 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб юридик коллежлари битирувчилари Тошкент давлат юридик университетига ҳудудий адлия органларининг йўлланмалари бўйича кириш тест синовларисиз яқка тартибдаги суҳбат ўтказиш орқали бакалаврларни тайёрлашнинг махсус уч йиллик дастури бўйича ва ўқишнинг тугашидан сўнг тақсимотга мувофиқ уч йил давомида узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятини олган ҳолда киришга ҳақли эканлиги белги-ланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик коллежлари битирувчиларини Тошкент давлат юридик университети бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик коллежлари битирувчиларига ҳудудий адлия органлари томонидан берилган йўлланмаларнинг ягона реестри» Ахборот тизимини яратиш ва жорий этишни 2019 йил 1 мартгача таъминласин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 июлда эълон қилинган.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 июль,
573-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 24 июлдаги 573-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик
коллежлари битирувчиларини Тошкент давлат юридик
университети бакалавриатига ўқишга қабул
қилиш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарорига мувофиқ:

худудий адлия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик коллежлари битирувчиларига йўлланмалар бериш;

абитуриентларни Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда ТДЮУ деб аталади) бакалавриатига тест синовларисиз якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали бакалаврларни тайёрлашнинг махсус уч йиллик дастури бўйича ўқишга қабул қилиш;

ўқиш тугагандан сўнг ТДЮУ бакалавриати битирувчиларининг тақсимотга мувофиқ узлуксиз ишлаб беришини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

абитуриент — ТДЮУ бакалавриатига тест синовларисиз якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали бакалаврларни тайёрлашнинг махсус уч йиллик дастури асосида худудий адлия органи йўлланмаси бўйича кираётган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик коллежи битирувчиси;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик коллежлари битирувчиларига худудий адлия органлари томонидан берилган йўлланмаларнинг ягона реестри (кейинги ўринларда Йўлланмалар ягона реестри деб аталади) — худудий адлия органлари томонидан берилган йўлланмалар ҳақидаги маълумотларни автоматлаштирилган тарзда йи-

ғиш (киритиш), қайта ишлаш, актуаллаштириш, янгилаш, сақлаш ва таҳлил қилишга мўлжалланган ахборот тизими;

тақсимот комиссияси — битирувчиларнинг узлуксиз ишлашнинг таъминлаш, шунингдек узлуксиз ишлаш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан Адлия вазирлиги масъул ходимлари, ҳудудий адлия органлари ва ТДЮУ раҳбар ходимларидан иборат таркибда ташкил этиладиган комиссия;

суҳбат комиссияси — ТДЮУ бакалавриятига қабул қилиш учун абитуриентлар билан яқка тартибда суҳбат ўтказиш мақсадида ТДЮУ тақдимотида асосан Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан ташкил этиладиган комиссия;

ТДЮУ қабул комиссияси — ҳар йили ТДЮУ ректори буйруғи билан ташкил этиладиган ТДЮУ бакалавриятига қабулни ташкил этишни, шу жумладан абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилиш ва уларга маслаҳат хизматлари кўрсатишни амалга оширувчи комиссия;

махсус комиссия — ҳар йили ҳудудий адлия органи бошлиғи буйруғи билан ташкил этиладиган юридик коллежлар битирувчиларига йўлланмалар бериш масаласини кўриб чиқувчи комиссия;

ҳудудий адлия органлари — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари.

3. ТДЮУ бакалавриятига абитуриентларни қабул қилиш квоталардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда Адлия вазирлиги деб аталади) томонидан мамлакат ҳудудлари бўйича белгиланадиган ўринлар сонига мос равишда амалга оширилади. Талабалар ўқиши қонунчиликка мувофиқ тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

4. ТДЮУ бакалавриятига ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш Давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) томонидан яқка тартибда суҳбат натижаларига кўра рейтинг тизими бўйича тўпланган баллар асосида амалга оширилади.

5. Абитуриентлар учун яқка тартибдаги суҳбат:

мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунишни (давлат ва жамият қурилиши, қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш, шунингдек ижтимоий соҳа ва бошқа соҳалардаги ислохотлар ҳақида тасаввур ва фикрлаш қобилиятининг мавжудлиги);

ихтисосликни танлашда мотивация (ҳуқуқшунос касбининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш, унга доимий қизиқиш кўрсатиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими даражасида юриспруденция соҳасидаги билим ва касбий кўникмаларнинг мавжудлиги);

шахсий-касбий хусусиятларни (ўқишга қобилият, касбий вазифаларни ҳал қилишда амалий фаолият, интизомлилик, ҳамжиҳатлик, масъулиятли-

лик, қарор қабул қилишда мустақиллик даражаси, шахсий ютуқлар мавжудлиги, шунингдек ўз устида ишлаш ва ижодкорлик қобилиятлари);

чет тилини билиш даражасини (ўз фикрларини таҳлил қилиш ва ифода лаш қобилиятининг мавжудлиги, чет тилидаги махсус атамаларни тушу ниш малакаси, қоида тариқасида, В1 даражасида) аниқлаш мақсадида ўтка зилади.

6. ТДЮУ бакалавриятига абитуриентларни ўқишга қабул қилишни таш кил этиш мазкур Низомнинг 1-иловасидаги* схемага мувофиқ амалга оши рилади.

2-боб. Худудий адлия органлари томонидан йўлланмалар бериш

1-§. Умумий шартлар

7. Махсус комиссия ҳар йили, қоида тариқасида, тегишли ўқув йили нинг 10 майдан кечикмай тузилади. Махсус комиссия таркибига адлия органлари ва муассасалари ходимлари билан бир қаторда, худуддаги бошқа ташкилотлар, шу жумладан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хо тин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси вакиллари ҳам уларнинг раҳ барлари билан келишилган ҳолда киритилади.

Махсус комиссия ўз фаолиятини коллегиялик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик принциплари асосида амалга оширади.

Махсус комиссияга комиссиянинг бошқа аъзолари фаолиятини ўзаро умумий мувофиқлаштирувчи раис бошчилик қилади. Махсус комиссия фао лиятини ташкилий таъминлаш унинг котибига юкланади.

8. Юридик коллежлар битирувчилари ҳар йили 25 майдан кечикмай махсус комиссияга йўлланма беришни сўраб ариза билан мурожаат қилади. Бунда махсус комиссия фақатгина комиссия ташкил этилган тегишли ўқув йили битирувчиларининг аризаларини кўриб чиқади.

9. Аризага мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган йўлланма олиш учун минимал талабларни тасдиқловчи ҳужжатлар, ўқиш жойидан тавсиф нома илова қилинади.

10. Махсус комиссия ҳар йили 1 июндан 10 июнга қадар юридик кол лежлар битирувчиларининг аризаларини кўриб чиқади.

Аризалар Махсус комиссия мажлисларида кўриб чиқилади.

11. Махсус комиссиянинг мажлислар ўтказиш жадвали худудий адлия органлари бошлиқлари буйруғи билан тасдиқланади. Мажлисга таклиф этил ган юридик коллежлар битирувчилари рўйхати буйруққа илова қилинади.

12. Мажлислар ўтказиш жадвали юридик коллеж веб-сайтида, қоида тариқасида, мажлис бошланишига камида бир ҳафта қолганда эълон қили нади.

13. Махсус комиссия мажлиси, қоида тариқасида, юридик коллеж би ноларида ўтказилади. Махсус комиссия мажлиси комиссия аъзолари уму

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мий сонининг камида 2/3 қисми ишида иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

14. Махсус комиссия мажлисида юридик коллеж битирувчиси юксак ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини, шунингдек маънавий-ахлоқий фазилатларини аниқлаш учун суҳбатдан ўтади. Шунингдек, комиссия тақдим этилган ҳужжатлар бўйича қўшимча саволлар бериши мумкин.

15. Йўлланма бериш масаласи кўриб чиқиладиганда, махсус комиссия қуйидаги асосий минимал талабларни ҳисобга олади:

юридик коллеж битирувчисининг ўзлаштириш кўрсаткичи рейтинг натижалари бўйича юридик коллеждаги барча фанлардан 71 ва ундан ортиқ фоизни ташкил қилиши керак;

юридик коллеж битирувчисининг юридик коллеж ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки (маънавий-маърифий ва жамоат ишлари, лойиҳалар ва танловларда иштирок этиши ва бошқалар);

юридик коллеж битирувчисининг юридик коллежда ўрнатилган ички тартиб қоидалар, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши ва намунали хулқ-атворга эгаллиги.

Мазкур бандда кўрсатилган асосий минимал талабларга тегишли масалаларни кўриб чиқишда, битирувчининг юридик коллеждаги бутун ўқиш даври ҳисобга олинади.

16. Юридик коллеж битирувчисига йўлланма бериш ёки йўлланма беришни рад этиш ҳақидаги махсус комиссия қарори мажлисида иштирок этган комиссия аъзоларининг ўз қарорини комиссия мажлиси баённомасида асослаб, қўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Махсус комиссия мажлиси баённомаси мажлисида иштирок этган барча аъзолар томонидан имзоланиб, раис томонидан тасдиқланади.

2-§. Йўлланмалар бериш

17. Махсус комиссиянинг қарори асосида ҳудудий адлия органи бошлиғи томонидан йўлланма бериш ёки йўлланма беришни рад этиш ҳақидаги якуний қарор қабул қилинади. Бунда юридик коллеж битирувчисига йўлланма бериш ҳақида қабул қилинган қарор ҳолислиги учун шахсий жавобгарлик ҳудудий адлия органи бошлиғи зиммасига юкланади.

Коллеж ички тартиб-қоидаларини бузганлик учун интизомий чора қўлланилган юридик коллеж битирувчисига йўлланма берилмайди.

18. Тақдим этиладиган йўлланмаларнинг умумий сони юридик коллеж жами битирувчилари сонининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

19. Йўлланма бериш ҳудудий адлия органи бошлиғи буйруғи билан йўлланма олган юридик коллеж битирувчилари рўйхатини кўрсатган ҳолда расмийлаштирилади. Йўлланма олган юридик коллеж битирувчисига буйруқдан кўчирма берилади.

20. Йўлланма бериш ҳақидаги буйруқлар бир кун ичида фельдъегерлик хизмати орқали Йўлланмалар ягона реестрига тегишли маълумотларни киритиш учун Адлия вазирлигига юборилади.

3-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш

21. Абитуриентларни қабул қилиш ўринлари сони ҳақидаги маълумот, ТДЮУ веб-сайтига, қоида тариқасида, ҳужжатлар қабул қилиш бошланишидан бир ой олдин жойлаштирилади.

22. Абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризалари ТДЮУ қабул комиссияси томонидан 15 июндан 30 июнгача қабул қилинади.

23. ТДЮУ бакалавриятига қабул қилиш учун ҳужжатлар Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тақдим этилади.

Абитуриентлар реал вақт режимда ТДЮУ ректори номига ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризани мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ электрон шаклда тўлдиради.

24. Қабул қилиш тўғрисидаги электрон аризага қуйидагилар электрон шаклда илова қилинади:

абитуриент паспорти;

диплом ва иловаси;

3,5 x 4,5 см ҳажмидаги рангли фотосурат.

Аризага илова қилинаётган ҳар бир ҳужжат ҳақиқийлиги сақланишини таъминловчи (ҳар бир дюймга 200 нуктадан кам бўлмаган) алоҳида файл кўринишида бўлиши керак. Ҳар бир файл ўлчами 10 Мбдан ошмаслиги лозим.

Аризани ҳужжатлар «PDF» (portable document format) форматда сканер қилинган нусхалари кўринишида илова қилинган ҳолда жўнатишга йўл қўйилади.

25. Агар барча зарур ҳужжатлар мазкур Низомнинг 22, 23 ва 24-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқ тақдим этилган ва Йўлланмалар ягона реестрида йўлланма мавжуд бўлган тақдирда, 72 соат ичида ноёб рақам бериш орқали ариза рўйхатга олинади ва абитуриентга белгиланган муддатда ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этиш ҳақида хабар берилади.

Ҳужжатлар комиссия томонидан қабул қилинган вақт ариза учун ноёб рақам олинган вақт ҳисобланади.

26. Агар тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Низомнинг 22, 23 ва 24-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган ва Йўлланмалар ягона реестрида йўлланма мавжуд бўлмаган тақдирда, 72 соат ичида аризада кўрсатилган электрон почта манзил бўйича абитуриентга тегишли хабарнома юборилади. Бунда абитуриентга кўрсатиб ўтилган камчиликларни тузатиш ва ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддати тугагунга қадар уларни такроран тақдим этиш имконияти берилади.

Ҳужжатлар қабул қилишнинг белгиланган муддатлари тугагандан сўнг ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш қатъиян ман қилинади.

27. Рўйхатга олинган қабул қилиш тўғрисидаги аризалар сони ҳар куни ТДЮУ сайтида жойлаштирилади.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4-боб. Якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш

28. Якка тартибдаги суҳбат 1 июлдан 10 июлгача суҳбат комиссияси томонидан ўтказилади.

29. Суҳбат комиссияси таркибига Адлия вазирлиги ва ТДЮУ ходимлари билан бир қаторда, бошқа ташкилотлар вакиллари ташкилот раҳбарлари билан келишилган ҳолда киритилиши мумкин.

Суҳбат комиссияси ўз фаолиятини коллегиялик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик принциплари асосида амалга оширади.

Суҳбат комиссиясига комиссиянинг бошқа аъзолари фаолиятини ўзаро умумий мувофиқлаштирувчи раис бошчилик қилади. Суҳбат комиссияси фаолиятини ташкилий таъминлаш унинг котибига юкланади.

30. Якка тартибдаги суҳбат ўтказилишига қадар маслаҳатлар ташкил этилади, маслаҳатлар жадвали ТДЮУ қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

31. Якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш учун бино ва аудиторияларни тайёрлашни ташкил этиш учун жавобгарлик ТДЮУ қабул комиссияси масъул котибининг бакалавриятга ўқишга қабул қилиш бўйича ўринбосари зиммасига юкланади.

32. Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш жадвали ТДЮУ веб-сайтида, қоида тариқасида, суҳбат бошланишидан 10 кун олдин жойлаштирилади.

33. Якка тартибдаги суҳбат ТДЮУдаги таълим тилларида ўтказилади. Якка тартибдаги суҳбат тили абитуриентнинг ўзи томонидан аниқланиб, унинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризасида кўрсатилади. Унинг ТДЮУдаги кейинги ўқув фаолияти якка тартибдаги суҳбат ўтказилган тил бўйича амалга оширилади.

34. Абитуриентлар якка тартибдаги суҳбатдан ўтишлари учун тегишли навбат бўйича киритилади. Якка тартибдаги суҳбатдан аввал абитуриент паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни тақдим этиши шарт.

35. Абитуриентнинг якка тартибдаги суҳбатга уяли телефон ва бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, лугат, китоб ва шпаргалкалар олиб кириши ва фойдаланиши қатъиян тақиқланади.

36. Якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш давомида суҳбат комиссияси томонидан абитуриентга мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мезонлардан келиб чиққан ҳолда саволлар берилади.

Якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш давомида абитуриентга қўшимча саволлар берилиши мумкин. Битта абитуриент билан якка тартибдаги суҳбат 20 дақиқагача давом этади.

Якка тартибдаги суҳбат натижалари 100 баллик тизимда баллар қўйиш йўли билан баҳоланади. Мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳар бир мезон бўйича максимал балл 25 баллни ташкил этади.

37. Чет тилини В1 ва ундан юқори даражада билишини тасдиқловчи амалдаги давлат намунасидаги малака сертификатига ёки чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи халқаро сертификатларга, тегишлича CEFR (Common European Framework of Reference) бўйича В1 ва ундан юқори да-

ражага, IELTS (International English Language Testing System) 5.5 ва ундан юқори баллга, TOEFL (Test of English as a Foreign Language) бўйича 70 ва ундан юқори баллга, TestDaF (Test Deutsch als Fremdsprache für ausländische Studienbewerber) бўйича TDN3 даражасига эга бўлган абитуриентлар чет тили бўйича якка тартибдаги суҳбатдан озод этилади ва уларга максимал балл (25 балл) қўйилади.

38. Якка тартибдаги суҳбат натижаларини аниқлаш учун суҳбат комиссиясининг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолардан мустақил ҳолда мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклдаги баҳолаш варақасини тўлдиради ва уни суҳбат комиссияси котибига тақдим этади. Суҳбат комиссияси котиби абитуриентга суҳбат комиссияси аъзолари томонидан қўйилган ўртача баллни ҳисоблаб чиқади.

Якка тартибдаги суҳбат натижалари рейтинг тизими бўйича, абитуриентга қўйилган баллар (0 дан 100 гача оралиқда) асосида аниқланади.

Имтиҳон комиссияси баённомасида абитуриентлар рўйхати ҳудудлар бўйича, Адлия вазирлиги томонидан белгиланган ўринлар сонига мос равишда камайиб бориш тартибида, энг юқори балл олган абитуриентдан бошлаб жойлаштирилади. Бунда бир ҳудуд учун ажратилган ўринларни бошқа ҳудудлардаги абитуриентлар ҳисобидан тўлдиришга йўл қўйилмайди.

39. Якка тартибдаги суҳбат жараёни ва натижалари суҳбат комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланадиган ва раис томонидан тасдиқланадиган баённомада қайд этилади.

Якка тартибдаги суҳбат жараёни ва натижаларини қайд этишда видео ва аудиоёзувлардан фойдаланилади.

40. Суҳбат натижалари ТДЮУ веб-сайтида суҳбат ўтказилгандан сўнг эртанги иш кунида эълон қилинади.

41. Абитуриентларни қабул қилиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилмайди:

жадвал бўйича якка тартибдаги суҳбатга келмаганда (0 балл қўйилади);

якка тартибдаги суҳбатда белгиланган максимал баллнинг 55 фоизи ва ундан кам балл тўпланганда.

42. ТДЮУ бакалавриатига абитуриентларни қабул қилиш учун якка тартибдаги суҳбатни қайта ўтказишга йўл қўйилмайди.

43. Якка тартибдаги суҳбат натижалари устидан шикоят қилинмайди ва апелляция тартибида кўриб чиқилмайди.

44. Якка тартибдаги суҳбатдан муваффақиятли ўтган абитуриентлар якка тартибдаги суҳбат ўтказилган вақтдан бошлаб уч кун давомида ҳужжатларнинг аслини тақдим этади.

Ҳужжатларда, шу жумладан электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатларда сохталаштириш ва қалбакилаштириш аниқланган тақдирда абитуриент якка тартибдаги суҳбатдан четлаштирилади (ТДЮУ талабалар сафидан четлаштирилади), ҳужжатлари эса белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга юборилади.

45. Суҳбат натижалари 25 июлга қадар ТДЮУ бакалавриатига абиту-

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

риентларни қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун Давлат комиссиясига юборилади.

5-боб. Қабул қилишни расмийлаштириш, ўқиш учун тўлов

46. ТДЮУ бакалавриатига қабул қилиш тўғрисидаги Давлат комиссияси қарори, қоида тариқасида, 25 августдан кечиктирмасдан қабул қилинади.

47. Тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш Давлат комиссияси қарорига асосан ТДЮУ ва юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасида контракт (шартнома) тузиш ва контракт тўлови миқдори 15 сентябрдан кечиктирмай, ўтказилгандан сўнг ТДЮУ ректори буйруғи билан расмийлаштирилади.

Белгиланган намунадаги шартнома бланкалари Давлат комиссияси қарори қабул қилинган кундан бошлаб берилади ҳамда ТДЮУ раҳбари ва бош бухгалтери имзоси билан юридик шахслар учун 3 нусхада ва жисмоний шахслар учун 2 нусхада расмийлаштирилади.

Давлат комиссияси қарорига кўра ТДЮУ бакалавриатига тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия қилинган абитуриентлар учун тўловлар ҳар йили қонунчилик ва шартнома шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Талабалikka тавсия этилган абитуриентларни 2 сентябрдан бошлаб дарсларга қатнашишга рухсат этиш тўғрисида буйруқ расмийлаштирилади.

48. ТДЮУ бакалавриатига ҳудудий адлия органларининг йўлланмаларига кўра ўқишга қабул қилинган талабалар махсус уч йиллик дастур бўйича таълим оладилар.

6-боб. Тақсимотга мувофиқ узлуксиз ишлаб беришни ташкил этиш

1-§. Битирувчиларни узлуксиз ишлаб бериш учун тақсимлаш

49. ТДЮУ бакалавриати битирувчиларини (кейинги ўринларда битирувчи деб аталади) узлуксиз ишлаб бериш учун тақсимлаш ҳар йили тақсимот комиссияси томонидан давлат ва хўжалик бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган аризаларга асосан амалга оширилади.

Тақсимлаш жараёнида тақсимот комиссияси битирувчининг рейтинг натижаларини, оилавий ҳолатини ва таклиф этилган иш ўрнида ишлаш хоҳишини ҳисобга олади. Энг юқори рейтинг натижасига эга бўлган битирувчилар ўз танлови бўйича мавжуд иш ўринларига ишга жойлашишда биринчи навбатда талабгор бўлади.

Тақсимот комиссияси томонидан битирувчиларни ТДЮУда ўқиш учун йўлланма берилган ҳудуддаги тегишли ташкилотлардаги бўш иш ўринларига узлуксиз ишлаб бериш учун тақсимлаш амалга оширилади.

50. Тақсимот комиссияси фаолиятини ташкил этиш тартиби Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

51. Битирувчи магистратурага ўқишга кирганда уч йил давомида узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти мазкур Низомга мувофиқ магистратурани тамомлагандан сўнг бошланади.

52. Битирувчиларни ишга тақсимлаш, қоида тарикасида, битирувчи ўқишни тамомлагандан сўнг, бир ойдан кечиктирмай амалга оширилади.

53. Тақсимот комиссияси қарори асосида ҳудудий адлия органлари мазкур Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ шаклда, ташкилотни аниқ кўрсатган ҳолда, битирувчига ишга йўлланма расмийлаштиради ва тақдим этади. Бир вақтнинг ўзида битирувчига йўлланма билан бирга мазкур Низомнинг 5-иловасига* мувофиқ ишга келгани ва жойлашгани ҳақидаги ҳужжат ҳам берилади.

54. Ишга йўлланма берилганидан кейин ҳудудий адлия органи, тегишли ташкилот — иш берувчи, ТДЮУ ва битирувчи ўртасида узлуксиз ишлаб беришнинг аниқ шартларини ҳамда битирувчининг мажбуриятларини аниқ белгилаб берувчи тўрт томонлама шартнома 4 нусхада тузилади.

Шартнома намунаси белгиланган тартибда Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

55. ТДЮУ тақсимот комиссиясининг битирувчини ишга тақсимлаш ҳақидаги қарори қабул қилингандан сўнг уч кундан кечиктирмай ишга юборилаётган ҳар бир битирувчига олий маълумот тўғрисидаги дипломдан кўчирма беради.

2-§. Битирувчиларни ишга қабул қилиш ва уларнинг меҳнат фаолияти

56. Битирувчилар ишга тақсимланганидан кейин бир ойдан ошмаган муддатда тўрт томонлама шартномада кўрсатилган иш жойида ҳозир бўлишлари ва меҳнат фаолиятини бошлашлари шарт.

57. Иш берувчи тўрт томонлама шартномага ва ишга йўлланмага мувофиқ битирувчи билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузади.

58. Иш берувчи битирувчи томонидан тақдим этилган битирувчининг ишга келгани ва жойлашгани ҳақидаги ҳужжатни тўлдиради ва кейинчалик уни ТДЮУга тақдим этиш учун ўн кун муддат ичида ҳудудий адлия органига юборади.

ТДЮУ битирувчининг ишга келгани ва жойлашгани ҳақидаги ҳужжат асосида мазкур Низомнинг 6-иловасидаги* журналга мувофиқ ҳар бир битирувчи ҳисобини юритиб бориши шарт.

59. Битирувчининг уч йиллик узлуксиз ишлаб бериш муддати қуйидагиларни ўз ичига олади:

йўлланма берилган ҳудуддаги турли ташкилотларда ва лавозимларда ишлаш муддати;

* 4 — 6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўташ муддатлари.

Ижтимоий меҳнат таътили муддати уч йиллик узлуксиз ишлаб бериш муддатига киритилмайди.

60. Тақсимот бўйича узлуксиз ишлаб беришга юборилган битирувчи ишга жойлашгандан сўнг, иш берувчи унга тегишли меҳнат шароитлари яратади, зарур ҳолларда турар жой билан таъминлаш чораларини кўради.

61. Битирувчининг уч йиллик узлуксиз ишлаб бериш муддати тугагандан сўнг ишни давом эттириш ҳақидаги масала меҳнат қонунчилигига мувофиқ иш берувчи ва ходим ўртасида ўзаро келишувга асосан ҳал этилади.

62. Битирувчи узлуксиз ишлаб бериш муддати давомида у тақсимот бўйича юборилган ташкилот тугатилса, меҳнат шартномаси (контракт) иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинса, битирувчи ҳудудий адлия органини 3 кун ичида хабардор қилиши шарт. Ҳудудий адлия органининг мурожаати бўйича тақсимот комиссияси тегишли ҳудуддаги бошқа ташкилотларда мавжуд бўш иш ўринларига улар тақдим этган талабномалар асосида битирувчини тақсимлашни амалга оширади.

63. Ушбу Низомга мувофиқ узлуксиз ишлаб бериш учун тақсимланган битирувчида узлуксиз ишлаб бериш жойини ўзгартириш учун асосли сабаблар вужудга келган тақдирда (никоҳ тузиш, доимий яшаш учун республиканинг бошқа ҳудудига кўчиб кетиш ва бошқалар) битирувчи тақсимот комиссиясига узлуксиз ишлаб бериш жойини ўзгартириш учун тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган ҳолда мурожаат қилишга ҳақли.

Комиссия ўн беш кун ичида битирувчининг мурожаатини ва тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича битирувчига мажбурий ишлаб бериш учун бошқа жойни ушбу Низом талабларига мувофиқ белгилаб беради.

3-§. Битирувчиларнинг узлуксиз ишлаб беришдан бош тортиши

64. Битирувчи узлуксиз ишлаб беришдан бош тортган ҳолларда, ТДЮУда ўқишни битирган вақтда амалда бўлган шартнома суммасининг йигирма беш баробари миқдорида ТДЮУга компенсация тўлайди.

65. Узлуксиз ишлаб бериш муддати давомида меҳнат шартномаси (контракт) битирувчининг ташаббуси билан бекор қилинса, ҳудудий адлия органи бу ҳақда иш берувчидан билдиришнома олгандан сўнг 1 кун ичида тақсимот комиссиясига хабар беради.

Комиссия 3 кун ичида битирувчи томонидан компенсация миқдорини тўлашни таъминлаш, шунингдек суд тартибида ундириш учун ТДЮУга тегишли материалларни тақдим этади.

Бунда компенсация миқдори битирувчи томонидан ишлаб берилган вақтга пропорционал ҳисоблаб чиқилади.

66. Битирувчи узлуксиз ишлаб беришдан бош тортиши билан боғлиқ

ТДЮУга тўлайдиган компенсация миқдорини тўлиқ ҳажмда университет ривожлантириш Жамғармаси ҳисобига тўлайди.

67. Мазкур Низомга мувофиқ битирувчи меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли узлуксиз ишлаб беролмаган ҳолатларда унинг кейинги меҳнат фаолияти тўғрисидаги қарор тақсимот комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилинади.

Меҳнат лаёқатини йўқотгани сабабли (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) узлуксиз ишлаб бериш имкониятига эга бўлмаган битирувчилар тақсимот комиссияси қарори асосида компенсация тўлашдан озод этилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

68. Худудий адлия органи томонидан берилган йўлланма икки йил давомида амал қилади.

69. Йўлланма олмаган юридик коллеж битирувчиларининг ҳужжатлари махсус комиссия қарори чиққандан сўнг бир йил давомида сақланади ва ундан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади ёки шу муддат давомида битирувчининг ёзма аризасига кўра унга қайтарилади.

70. ТДЮУ бакалавриятига қабул қилинган абитуриентларнинг яқка тартибдаги суҳбат натижаларидан тегишли кўчирмалар уларнинг шахсий йиғмажилдига тикиб қўйилади.

ТДЮУ бакалавриятига қабул қилинмаган абитуриентларнинг яқка тартибдаги суҳбат натижалари 6 ой давомида сақланади ва ундан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

71. ТДЮУ битирувчига дипломнинг асл нусхасини у узлуксиз ишлаб бериш муддатини тамомлаганидан сўнг бир ҳафта муддатда меҳнат дафтарчасидаги ёзув ва битирувчи узлуксиз ишлаб берган ташкилотнинг ёзма тасдиғи асосида беради.

72. ТДЮУ мазкур Низомга мувофиқ узлуксиз ишлаб беришдан бош тортган битирувчиларга олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг асл нусхасини улар компенсацияни тўлиқ миқдорда тўлагандан сўнг беради.

73. Узлуксиз ишлаб бериш муддати давомида битирувчи билан меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинса, 1 кун ичида иш берувчи худудий адлия органига буйруқ нусхасини илова қилган ҳолда хабар қилади.

74. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беришади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ****627 Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлигига
номзодларни махсус тайёргарликдан ўтказиш тарти-
би тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
21 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3041*

Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сон «Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлигига номзодларни махсус тайёргарликдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 июнь,
6-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 23 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил
26 июндаги 6-сон қарорига
ИЛОВА

Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлигига номзодларни махсус тайёргарликдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сон «Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлигига номзодларни (бундан буён матнда номзодлар деб юритилади) махсус тайёргарликдан ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Номзодлар экологик назоратнинг жамоатчи инспектори бўлиш учун махсус тайёргарликдан ўтишлари лозим.

2. Махсус тайёргарликдан ўтказиш номзодларни экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият юритиши учун зарур ва етарли бўлган ҳажмдаги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришига кўмаклашиш мақсадида амалга оширилади.

3. 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари махсус тайёргарлик курсларига қабул қилинади.

4. Номзодлар махсус тайёргарликдан бепул ўтказилади.

5. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (бундан буён матнда Қўмита деб юритилади) номзодларни махсус тайёргарликдан ўтказиш соҳасида:

номзодларни махсус тайёргарликдан ўтказишга доир тадбирларни, таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди;

номзодларни махсус тайёргарликдан ўтказиш бўйича ўқув-режа ва дастурларни тасдиқлайди;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш масалаларида, экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини шакллантиришда ҳамкорлик қилади.

6. Номзодларни махсус тайёргарликдан ўтказиш тадбирларини молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Қўмитанинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг кадрларни махсус тайёрлаш учун мақсадли бадаллари, ҳомийлик хайриялари, номзодларни махсус тайёргарликдан ўтказиш учун жалб этиладиган грантлар ҳисобидан амалга оширилади.

2-боб. Номзодларни махсус тайёргарликдан ўтказиш

7. Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори бўлиш истагини билдирган номзодлар яшаш жойидаги фуқаролар йиғинларининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш комиссияларига (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) ёки экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилотига ариза билан мурожаат қилади.

8. Номзоднинг аризаси Комиссия йиғилишида ёки экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларидан бирининг вакили иштирокида кўриб чиқилади.

9. Фуқаронинг номзоди маъқулланган тақдирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки нодавлат нотижорат ташкилоти (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади) Кўмита ҳузуридаги Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказига (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) номзодни махсус тайёргарлик курсларига юбориш тўғрисида расмий хат қилинади.

10. Расмий хатга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

номзоднинг паспорти нусхаси;

номзодни махсус тайёргарлик курсларига юбориш тўғрисида Комиссия йиғилиши баённомаси ёки нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари буйруғидан кўчирма;

буюртмачининг буюртмаси.

11. Марказ жойлардаги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб тақдим этилган буюртмалар асосида махсус тайёргарлик курсларидан ўтиши лозим бўлган номзодлар рўйхатини шакллантиради, махсус тайёргарлик курсларини ўтказиш вақти ва жойини белгилайди ҳамда номзодларни ҳудудлар бўйича тақсимлайди.

12. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшовчи номзодларни махсус тайёргарликдан ўтказиш бевосита Марказ томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва қолган вилоятларда яшовчи номзодларни махсус тайёргарликдан ўтказиш Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий бошқармалар деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

13. Марказ буюртмачиларни махсус тайёргарлик курслари бошланишидан 10 кун аввал махсус тайёргарлик курсларини ўтказиш муддатлари тўғрисида хабардор қилиши лозим.

14. Буюртмачилар номзодларнинг ўқишга Марказ томонидан белгиланган муддатларда етиб келишларини таъминлашлари лозим.

15. Махсус тайёргарлик курсларида ўқитиш Кўмита томонидан тасдиқланган ўқув режа ва дастурлар бўйича амалга оширилади.

16. Махсус тайёргарлик курсларида ўқитиш муддати 1 ҳафта — 36 соатни ташкил этади.

17. Махсус тайёргарлик курслари кундузги шаклда амалга оширилади.

Асосий иш жойига эга бўлган номзодлар махсус тайёргарлик курсларига ишдан ажратилган ҳолда жалб қилинади.

18. Махсус тайёргарлик курсларида номзодларга экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик назорати тўғрисидаги билимлар ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик тадбирларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштироки юзасидан таянч тушунча ва билимлар берилади.

19. Ўқув жараёни 60 нафаргача бўлган номзодлардан иборат ўқув гуруҳларига бўлинган ҳолда, Марказ раҳбари томонидан тасдиқланган машғулотлар жадвали асосида олиб борилади.

20. Номзодларни махсус тайёргарликдан ўтказиш жараёнига тегишли олий таълим муассасалари ўқитувчилари, Қўмита тизими ходимлари ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг тажрибали мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

21. Номзод махсус тайёргарлик курсларига узрли сабабларга кўра кела олмаган тақдирда, у 6 ой ичида навбатдаги махсус тайёргарлик курсларига қабул қилиш тўғрисида ариза билан Марказга мурожаат қилади.

Марказ томонидан номзоднинг аризаси қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда кўриб чиқилиб, навбатдаги махсус тайёргарлик курсларидан ўтиши лозим бўлган номзодлар рўйхатига киритилади ҳамда бу ҳақда буюртмачи 3 кун ичида хабардор қилинади.

22. Номзодлар қуйидаги ҳолларда махсус тайёргарлик курсларидан четлаштирилади:

ўз хоҳишига биноан;

сабабсиз 6 соат дарс қолдирганда;

саломатлиги туфайли (тиббий маълумотнома асосида);

вафот этган тақдирда.

23. Марказ номзодни махсус тайёргарлик курсларидан четлаштирилганлиги тўғрисида буюртмачини 3 кун ичида хабардор қилиши лозим.

24. Номзодлар ўқув режа ва дастурни тўлиқ ўзлаштириб бўлгандан сўнг, уларга махсус тайёргарлик курсларидан муваффақиятли ўтганлиги тўғрисида сертификат берилади ва ушбу сертификат номзодга экологик назоратнинг жамоатчи инспектори гувоҳномаси берилишига асос бўлади.

3-боб. Яқуний қоидалар

25. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

26. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги

вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат ветеринария қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 18 июнь

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2018 йил 18 июнь

Қишлоқ хўжалиги вазири

Б. ЮСУПОВ

2018 йил 18 июнь

Сув хўжалиги вазири

Ш. ХАМРАЕВ

2018 йил 18 июнь

*Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси раиси*

А. АБДУЛЛАЕВ

2018 йил 18 июнь

*Давлат ветеринария
қўмитаси раиси в. б.*

Б. НОРҚОБИЛОВ

2018 йил 18 июнь

*«Саноатгеоконтехназорат»
давлат инспекцияси бошлиғи*

Б. ГУЛЯМОВ

2018 йил 18 июнь

*Ўсимликлар карантини давлат
инспекцияси бошлиғи*

И. ЭРГАШЕВ

2018 йил 18 июнь

*Ўзбекистон экологик ҳаракати
Марказий кенгаши ижроия
қўмитаси раиси*

Б. АЛИХОНОВ

2018 йил 18 июнь

*Фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари фаолиятини
мувофиқлаштириш бўйича
республика кенгаши раисининг
биринчи ўринбосари*

Ш. ЖАВЛОНОВ

2018 йил 18 июнь

*Ўзбекистон Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий ассоциацияси
кенгаши раиси*

И. НАСРИЕВ

2018 йил 18 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

629 «Кредит бюроларининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2318-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 20 декабрдаги 38/5-сон «Кредит бюроларининг техник ва дастурий восита-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 июлда эълон қилинган.

ларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2318, 2012 йил 23 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 3-4-сон, 35-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан этиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 апрель,
16/25-сон

Келишилган:

*Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазири*

А. АХМЕДХАДЖАЕВ

2018 йил 28 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

630 Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3042

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ–3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 апрель,
16/23-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
28 апрелдаги 16/23-сон қарорига
ИЛОВА

Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 июлда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситалари — ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун унинг криптографик алмаштирилишини амалга оширувчи техник ва дастурий воситалар;

банк телекоммуникация тармоғи — банк тизимининг идоравий телекоммуникация тармоғи;

кредит ахбороти алмашинуви тизими (бундан буён матнда тизим деб юритилади) — кредит ахбороти алмашинуви иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган муносабатлар мажмуаси;

электрон ахборот — Ўзбекистон Республикасининг «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ тизим иштирокчилари ўзаро алмашадиган электрон маълумот;

VPN тармоғи — электрон ахборот алмашинуви жараёнида алоқа каналларида бир ёки бир нечта тармоқлари боғланишларини таъминлайдиган виртуал тармоқ.

2. Кредит бюрolari фаолиятини кредит бюроси фаолиятини амалга ошириш учун бериладиган лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) асосида амалга оширади.

Кредит бюрolarини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

3. Лицензия амал қилиш муддати чекланмасдан берилади.

4. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш, бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш Марказий банк Бошқаруви қарори билан амалга оширилади.

2-боб. Кредит бюросини ташкил этиш

5. Кредит бюросини ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаган юридик шахслар ва (ёки) норезидент юридик шахслар кредит бюросининг муассислари бўлиши мумкин.

6. Имтиёзли солиқ режимини тақдим қилувчи ва (ёки) молиявий операцияларни амалга оширишда улар ҳақидаги маълумотларни ошкор этмасликни ва тақдим қилмасликни кўзда тутувчи давлатлар ва ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) рўйхатга олинган норезидент юридик шахслар кредит бюросининг муассислари бўлиши мумкин эмас.

7. Кредит бюроси ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда айна вақтнинг ўзида фирма номи бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

8. Кредит бюросининг ижро органи раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюрolarининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан

малака талабларига (рўйхат рақами 2989, 2018 йил 30 март) мувофиқ малака талаблари белгиланади.

**3-боб. Кредит бюросида дастурий ва техник воситалар,
ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлашга
қўйиладиган талаблар**

9. Кредит бюроси ахборот тизимларида қўлланиладиган ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасининг лицензияланган ва сертификатланган дастурий-техник воситалари қўйидагиларни таъминлаши керак:

тизим иштирокчилари бўлган кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотларни ҳамда уларнинг ходимларини идентификация ва аутентификация қилишни;

тизимдаги ахборотларнинг махфийлигини;

аутентификацияланган маълумот алмашинувини;

ахборотни шакллантириш, узатиш, фойдаланиш, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнларида маълумотларнинг бутлигини;

нормал фойдаланиш шароитида тизимнинг барча ресурсларига авторизациялашган рухсат ёрдамида киришни;

фойдаланувчиларнинг ресурсларга кириш чегараларини белгилашни;

фойдаланувчиларнинг тизимга кириш ва чиқиш бўйича ҳаракатларини ҳамда кириш ҳуқуқларини бузишга уринишларини қайд этишни;

фавқулодда ҳолатларда тизимнинг хавфсизлиги ва узилишларсиз фаолиятини;

ахборот хавфсизлиги бўйича хавфларни аниқлаш ва олдини олишни;

маълумотларни захиралаш ва қайта тиклаш имкониятини.

10. Кредит бюросининг сервер хоналарида:

сервер хонасининг аппаратурасига ҳимоя қилинган алоҳида электр таъминот тармоғи кўзда тутилган;

қўриқлаш, ёнғин сигнализацияси, ёнғин ўчириш тизими, ёритиш ва авария ҳолатида ёритиш тизимлари;

мустаҳкам деворлар, тўсиқлар ва панжаралар;

махсус кодли ёки бошқа турдаги кулфлар билан жихозланган мустаҳкам эшиклар;

ташқи кузатувга қарши ҳимоя воситалари;

захира электр таъминот манбаларига уланиши ва совутиш тизимлари мавжуд бўлиши лозим.

11. Кредит бюроси серверларини ташқи таъсирдан ҳимоялаш учун тармоқлараро экранлар (Firewall) ҳамда ахборотни муҳофаза қилувчи лицензияланган техник ва дастурий воситалар ўрнатилиши зарур.

12. Кредит ахборотлари алмашинуви қатнашчиларини аутентификация қилиш ва кредит бюроси ахборот тизимларини пароль ва антивирус билан ҳимоялаш чоралари қўрилиши лозим.

13. Компьютер ва бошқа жихозлар ишдан чиққан ҳолларда кредит бю-

росининг узилишсиз фаолият юритишини таъминлаш мақсадида тизимнинг захира тикланиш режаси ҳамда зарур дастур ва воситалар бўлиши шарт.

14. Кредит бюро серверлари ва компьютерлари электр энергия билан узилишларсиз таъминлаш учун энергия таъминоти қурилмалари ва дизель-генератор бўлиши керак.

15. Кредит бюро тизим иштирокчилари билан ахборот алмашинуви учун банк телекоммуникация тармоғи ёки умумий фойдаланишдаги телекоммуникация (интернет) тармоғидан фойдаланади.

16. Кредит ахбороти алмашинуви жараёнида тизим иштирокчилари ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситаларидан фойдаланишлари лозим.

17. Кредит бюросининг Марказий банк ва кредит ташкилотлари билан электрон ахборот алмашинуви Марказий банкнинг «Ахборотлаштириш бош маркази» давлат унитар корхонаси билан тузилган шартнома асосида банк телекоммуникация тармоғи орқали амалга оширилади. Бунда қуйидаги хавфсизлик чоралари қўрилиши керак:

а) кредит ахборотлари билан ишлаш учун фақат тегишли рухсатга эга бўлган ходимлар қўйилади;

б) фойдаланувчиларнинг тизимга кириши учун аутентификация қилиш:

логин ва пароль (8 та белгидан кам бўлмаган рақам ва символлар комбинацияси ҳамда пароль ва логинларни муддати тугашига қараб ўзгартириш имконияти бўлиши лозим. Паролнинг амал қилиш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим);

аппарат-дастурий воситалар ёрдамида амалга оширилади;

в) кредит бюросининг кредит ахборотлари алмашинувида қатнашувчи ходимларининг серверлар ва компьютерлар телекоммуникация тармоқлари орқали ишлаши учун аппарат-дастурий воситалар билан жиҳозланиши керак;

г) кредит бюросидаги ахборотларни қайта ишлаш, узатиш ва қабул қилиш учун ажратилган серверлар ва компьютерларга умумий локал тармоққа уланган бошқа компьютерлардан кириш имконияти бўлмаслиги керак;

д) кредит бюроси томонидан узатиладиган ва қабул қилинадиган ҳар қандай ахборот электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши ҳамда бажарилган ишлар бўйича маълумот автоматик равишда электрон журналга киритилиши керак. Бунда электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш режими бузилганлиги ёки бузилиши эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёхуд мазкур сертификатни бекор қилишни талаб қилиши;

ўзи вакил бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганда ва тугатилганда, бу ҳақда электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига хабар қилиши;

е) электрон рақамли имзо очиқ калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаган ҳолларда электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасига хабар беради;

ж) кредит бюросини тизимларда кредит ахборотига тегишли бўлмаган ахборотларнинг узатилиши тақиқланади;

з) кредит бюроси томонидан узатиладиган ва қабул қилинадиган маълумотлар сўнги янгиланган базали антивирус дастури ёрдамида вируслар мавжудлигини аниқлаш учун текширилиши керак;

и) электрон ахборотлар алмашинувида виртуал тармоқлар VPN тармоқлари асосида ташкил этилган ва ҳимояланган алоқа каналлари қўлланилиши керак.

Ахборотнинг хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча ахборотни муҳофаза қилиш воситалари қўлланилиши мумкин.

18. Мазкур Низомнинг 17-бандида кўрсатилганлардан ташқари тизим иштирокчилари кредит ахборотлари алмашинуви учун умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидан тегишли шартномалар асосида фойдаланишлари мумкин. Бунда:

фойдаланувчиларнинг тизимга киришида аутентификация қилиш логин ва пароль (8 та белгидан кам бўлмаган рақам ва символлар комбинацияси) ёки аппарат-дастурий воситалар ёрдамида амалга оширилади. Аутентификация натижаси уч марта нотўғри бўлган ҳолда, тизим беркитилиши лозим;

кредит бюросининг фойдаланувчилар, ахборотни етказиб берувчилар ва бошқа кредит бюроси билан электрон ахборот алмашинуви жараёнида ахборотларни криптографик ҳимоялаш ва хавфсиз узатишни кўзда тутадиган протокол (SSL протокол) бўйича амалга оширилиши, виртуал хусусий тармоқлар VPN тармоқлари асосида ташкил этилган ва ҳимояланган алоқа каналлари қўлланилиши керак;

кредит бюроси серверлари томонидан узатиладиган ва қабул қилинадиган маълумот сўнги янгиланган базали антивирус дастури билан вируслар текширилиши зарур.

4-боб. Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш шартлари

19. Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш учун Марказий банкка жойлашган ери (почта манзили) кўрсатилган ҳолда ариза берилиб, унга қўйидагилар илова қилинади:

муассислар умумий йиғилишининг кредит бюросини ташкил этиш тўғрисидаги баённомаси;

кредит бюросининг муассис ҳужжатлари;

кредит бюросининг раҳбари ва муассислари ҳақидаги маълумотлар;

кредит ахборотини рухсат этилмаган ҳолда унга киришдан, йўқ қилиб юборишдан, ўзгартиришдан, ундан фойдаланишдан ёки уни ошкор этишдан ҳимоя қилишни таъминловчи дастурий-техникавий комплекснинг параметрлари ва жойлашуви ушбу Низом талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик даражасини баҳолаш бўйича скоринг моделини тавсифловчи маълумот (анкета саволлари, уларнинг баллаш тартиби, ишлатиладиган коэффициентлар ва математик моделлар);

кредит бюросининг устав фонди шакллантирилганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати;

давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати;

камида 10 та тижорат банки билан кредит алмашинувини амалга оширишга розилигини тасдиқловчи ҳужжати.

Аризада муассисларнинг электрон манзили кўрсатилиши мумкин ва уларнинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақида хабарномани ахборот тизими орқали электрон шаклда олишга розилиги ҳисобланади.

20. Мазкур Низомнинг 19-бандида келтирилган барча ҳужжатлар икки нусхада ёки электрон шаклда тақдим этилади.

21. Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш юзасидан тақдим этилган аризага ва унга илова қилинган ҳужжатлардаги барча маълумотларнинг тўғрилигига кредит бюроси муассислари жавобгардир.

22. Марказий банк давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш учун ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади ва унга лицензия беради ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

23. Марказий банк кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни қуйидаги ҳолларда рад этиши мумкин:

давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

таъсис ҳужжатлари ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаганда;

давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш учун тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда;

кредит ахборотини рухсат этилмаган ҳолда унга киришдан, йўқ қилиб юборишдан, ўзгартиришдан, ундан фойдаланишдан, уни ошкор этишдан ҳимоя қилишни таъминловчи дастурий-техникавий комплекс мавжуд бўлмаганда ёки дастурий-техникавий комплекс мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда;

потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик даражасини баҳолаш бўйича кредит бюросининг скоринг модели ва унинг дастурий таъминоти мавжуд бўлмаганда;

кредит бюросининг раҳбари белгиланган малака талабларига мувофиқ бўлмаганда.

24. Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, рад этиш сабаблари ҳамда ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, такроран кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бериши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда, ариза берувчига ёзма ва/ёки электрон шаклда юборилади. Бунда кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак.

25. Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш учун тақдим этилган ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, ариза ва унга илова қилинган барча зарур ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн кунда амалга оширилади. Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат ўтганидан кейин берилган ариза янгидан берилган ҳисобланади.

26. Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш тўғрисидаги ариза такроран кўриб чиқиладиганда давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

27. Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

28. Лицензияни ёки уларга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

29. Марказий банк давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида уч кун ичида ёзма хабардор қилиши керак.

30. Кредит бюроси Марказий банкнинг Кредит бюрларини рўйхатга олиш давлат китобида рўйхатга олинган вақтдан бошлаб юридик шахс мақомини олади. Кредит бюросини рўйхатга олиш билан бир вақтда унга лицензия берилади.

31. Лицензия реестрида мавжуд бўлган маълумотлар Марказий банкнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади.

32. Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларида белгиланган миқдорда тўланади. Кредит бюросига лицензия берганлик учун давлат божи ундирилмайди.

**5-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш,
тугатиш, бекор қилиш, қайта расмийлаштириш ва
дубликати бериш тартиби**

33. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турлари-

ни лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунининг 22, 23 ва 24-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

34. Лицензия йўқолган тақдирда, кредит бюроси ўн иш кунида Марказий банкка ёзма равишда маълумот беради ва унинг дубликати берилиши учун оммавий ахборот воситаларига йўқотилган лицензияни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида берилган эълон нусхасини тақдим этади.

35. Марказий банк бир ой муддат ичида тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқади ва кредит бюроси томонидан кўрилган тадбирларни мазкур Низомнинг 34-бандига мувофиқ эканлигига ишонч ҳосил қилган тақдирда лицензияни йўқотган кредит бюросига унинг дубликатини беради.

36. Лицензия дубликати олингандан сўнг аввал йўқотилган лицензия топилса, кредит бюроси беш иш куни ичида лицензиянинг асл нусхасини бекор қилиш учун Марказий банкка топширади.

6-боб. Кредит бюросини қайта ташкил этиш ва тугатиш

37. Кредит бюросини қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикасининг «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

38. Қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин кредит бюроси бу ҳақда бир иш кунидан кечиктирмай Марказий банкка ёзма шаклда хабар қилади ва икки ой мобайнида оммавий ахборот воситаларида ҳар ҳафта тегишли эълон бериб боради.

39. Кредит бюроси қайта ташкил этилган тақдирда, кредит ахбороти маълумотлар базаси кредит бюросининг ҳуқуқий ворисига, агар у лицензияга эга бўлса, топширилади. Бу ҳолда кредит бюросининг ҳуқуқий вориси бу ҳақда кредит ахбороти етказиб берувчиларни ва Марказий банкни кредит ахбороти маълумотлар базаси олинган кундан эътиборан беш иш куни ичида ёзма шаклда хабардор этиши шарт. Бунда оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилган эълонларда кредит бюросининг кредит ахбороти маълумотлар базаси унинг ҳуқуқий ворисига топширилганлиги кўрсатилади.

40. Кредит бюросининг ҳуқуқий вориси лицензияга эга бўлмаса, шунингдек кредит бюроси тугатилган, лицензиянинг амал қилиши тугатилган ёки у бекор қилинган ҳолларда, кредит ахбороти маълумотлар базаси Марказий банкка текин топширилади.

7-боб. Яқуний қоидалар

41. Кредит бюросининг уставига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказий банкда рўйхатдан ўтказилади.

42. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

43. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва

коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги*

А. АХМЕДХАДЖАЕВ

2018 йил 28 апрель

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2018 йил 28 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

631 Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Обод маҳалла» жамғармаларини ташкил этиш, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3043*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5467-сон «Обод маҳалла» дастури тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Обод маҳалла» жамғармаларини ташкил этиш, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 июлда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 июль,
24-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 июль,
112-сон

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия
вазирлигининг 2018 йил 10 июлдаги
24, 112-сон қарорига
ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,
вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Обод
маҳалла» жамғармаларини ташкил этиш, унинг маблағларини
шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ–5467-сон «Обод маҳалла» дастури тўғрисида»ги Фармони-га асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Обод маҳалла» жамғармаларини ташкил этиш, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ–5467-сон «Обод маҳалла» дастури тўғрисида»ги Фармонига асосан «Обод маҳалла» дастури доирасида бажариладиган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида шаҳарлар ва туманлар учун «Обод маҳалла» жамғармалари (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилади.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳ-

ри ҳокимликларининг шахсий ғазна ҳисобварақларида (бундан буён матнда ҳисобварақ деб юритилади) жамланади ва ушбу Низомда белгиланган мақсадларга сарфланади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби

3. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган трансфертлар;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ва уларнинг қўшимча маблағлари;

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, ҳашарлар ва хайрия тадбирларини ўтказиш ҳисобидан тушадиган маблағлар, ташкилотларнинг ҳомийлик хайриялари;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари;

халқаро молия институтлари ҳамда хорижий давлатлар грант маблағлари;

ташаббускор тадбиркорлар маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Жамғарманинг маблағлари:

маҳалла аҳолисини ишончли тарзда ичимлик суви ва оқава суви таъминотини, иссиқлик тармоқларини яхшилаш, маиший чиқиндиларни тўплаш ва чиқаришнинг зарурий инфраструктурасини яратиш;

суғориш учун мавжуд сув ресурсларидан келиб чиқиб ариқ-ирригация тизимини мослаштириш, коллектор ва дренаж тизимларини модернизация қилиш, сизот сувлари сатҳини пасайтириш;

маҳалла ички йўллари ва пиёдалар йўлакларини қуриш ҳамда таъмирлаш, йўл бўйларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ташқи ёриш тизимларини барпо этиш;

маҳалла ҳудудидаги давлат мактабгача таълим муассасаларини, умумтаълим мактабларини, тиббиёт, маданият ва жисмоний тарбия ҳамда спорт ташкилотлари бино ва иншоотларини устувор равишда қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш;

ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилаларга уларнинг уй-жойларини таъмирлашда моддий ва молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда аҳолини қуриш материаллари билан имтиёзли тарзда таъминлаш;

маҳалла гузарини, тиббиёт масканлари негизида қулай ва арзон дорихоналарни, зарурий маиший хизмат ва сервис шахобчаларини ҳамда болалар майдончасини, кичик истироҳат боғини қамраб оладиган «маҳалла марказини» барпо этиш;

«Обод маҳалла» дастурини амалга ошириш учун қўшимча чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

5. Жамғарма маблағлари мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилмаган мақсадларга йўналтирилишига йўл қўйилмайди.

6. «Обод маҳалла» дастурлари доирасида бажариладиган таъмирлаш ишлари (капитал қурилишдан ташқари) ва ободонлаштириш тадбирлари уларни лойиҳалаштириш билан бир вақтда амалга оширилади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан мустақил равишда тасдиқланадиган манзилли рўйхат асосида молиялаштирилади.

3-боб. Жамғарма маблағларини бошқариш

7. Жамғарма фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари раислик қилувчи Кенгаш томонидан амалга оширилади.

8. Кенгаш таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан тасдиқланади. Бунда Кенгаш таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳудудий сектор раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда вазирлик ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари киритилади.

9. Кенгаш мажлиси аъзоларининг яримидан кўпи иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Қарор қабул қилишда овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Кенгаш раиси томонидан ҳал қилувчи қарор қабул қилинади. Қабул қилинган қарор баённома шаклида расмийлаштирилади.

10. Кенгаш мажлиси ҳар чоракда камида бир маротаба чақирилади.

11. Кенгаш:

Жамғармага келиб тушган маблағлар доирасида даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;

зарур ҳолларда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилади;

Жамғарманинг чорак якуни бўйича даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг бухгалтерия хизмати Жамғарманинг ишчи органи (бундан буён матнда Ишчи орган деб юритилади) ҳисобланади.

13. Ишчи орган:

Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасини тайёрлайди;

Жамғарма тушумларини кўпайтириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Жамғарманинг тушумлар манбалари ҳамда асосий харажатлар йўналишлари бўйича ҳисобини юритади;

хар чоракда Жамғарма даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисида ҳисобот тайёрлайди ва Кенгашга тақдим этади.

4-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисобот ва назорат

14. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисоботлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг бюджетдан ташқари бошқа маблағларидан алоҳида юритилади.

15. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметаси бюджет ташкилотлари учун бюджетдан ташқари маблағлар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади (чораклар, даромадлар манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича) ва Кенгаш томонидан тасдиқланади.

16. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмай қолган маблағлари кейинги йилга ўтади ва бошқа мақсадлар учун олиб қўйилмайди.

17. Ҳомийлар томонидан натура шаклида берилган (кўрсатилган) маҳсулотларнинг (ишларнинг) ҳисоби алоҳида юритилади.

18. Ишчи орган Жамғарма маблағларининг қонунийлиги ва мақсадли йўналтирилиши, шунингдек Жамғарма фаолияти бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари ташкил этилиши учун жавоб беради.

19. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметаларининг устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармасининг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

20. Жамғарма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

21. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

632 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ҳар
йили санаторийларда соғломлаштириш курсини олиш
ўрнига йўлланманинг ўртача қийматига тенг компенсация
бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига ўзгартириш
киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2913-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавф-
сизлик хизмати тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия ва-
зирлигининг 2017 йил 26 июлдаги 101 ва 113-сон қарори (рўйхат рақами
2913, 2017 йил 17 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари
тўплами, 2017 й., 33-сон, 868-модда) билан тасдиқланган 1941 — 1945 йил-
лардаги уруш қатнашчиларига ҳар йили санаторийларда соғломлаштириш
курсини олиш ўрнига йўлланманинг ўртача қийматига тенг компенсация
бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандидаги «Миллий хавфсизлик
хизмати» деган сўзлар «Давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлар билан
алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги,
Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик
хизмати, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 июль,
38-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 июль,
111-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 июл-
да эълон қилинган.

Келишилган:

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2018 йил 11 июль

Мудофаа вазири

А. АЗИЗОВ

2018 йил 11 июль

*Фавқулодда
вазиятлар вазири в.б.*

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

2018 йил 11 июль

*Давлат хавфсизлик
хизмати раиси*

И. АБДУЛЛАЕВ

2018 йил 11 июль

*Давлат божхона
қўмитаси раиси*

М. АЗИМОВ

2018 йил 11 июль

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2018 йил 11 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

633 Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги ПФ-5441-сон «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 11-87, 20-сон қарори (рўйхат рақами 2981, 2018 йил 15 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2018 й., 10/18/2981/0900-сон) билан тасдиқланган Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 июнь,
56-сон

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 июнь,
47-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди ва Ички ишлар вазирлигининг
2018 йил 25 июндаги 56, 47-сон қарорига
ИЛОВА

**Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг
хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 13 ва 14-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«13. Суд мажлисини фототасвирга тушириш, аудио ва видеоёзувини амалга ошириш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида трансляция қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Суд биносига мобиль телефон, фото ва видео қайд этиш воситаларини суд мажлисида раислик қилувчининг (бундан буён матнда раислик қилувчи деб юритилади) рухсатсиз олиб кириш тақиқланади, мазкур Йўриқноманинг 14¹-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.».

2. Қуйидаги мазмундаги 14¹-банд билан тўлдирилсин:

«14¹. Адвокат ўз профессионал фаолиятини амалга ошириши учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасига қатъий риоя этган ҳолда, суд биносига компьютер, мобиль ва бошқа алоқа воситаларини монеликсиз олиб кириш ҳуқуқига эга, ёпиқ суд мажлислари бундан мустасно. Бунда қайд этилган қурилмалардан суд биноси ичкарасида фойдаланиш суд жараёнини ўтказиш тартибини бузмаслиги керак.».

3. 16-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«16. Судга ташриф буюрувчи шахслар ўзлари томонидан олиб келинган суд биносига олиб кириш тақиқланган буюмларни суд маъмурияти томонидан махсус ажратилган жойларда қолдириб кириши ҳамда суд биносидан чиқишида ўзи билан олиб кетиши лозим.».

4. 25-банднинг ўнинчи хатбошисидаги «Миллий» деган сўз «Давлат» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

**Адвокатлар палатаси
раиси в. б.**

Ш. САДИҚОВ

2018 йил 25 июнь

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ
АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

634 Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг
Автомобиль транспортини ривожлантириш жамғар-
маси ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3044*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги ПҚ–3589-сон «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг Автомобиль транспортини ривожлантириш жамғармаси ҳақидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Д. ДЕХКАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 июнь,
369-сон

Ўзбекистон автомобиль транспорти
агентлиги бошлигининг 2018 йил 26 июндаги
369-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг автомобиль
транспортини ривожлантириш жамғармаси ҳақида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги ПҚ–3589-сон «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг автомобиль транспортини ривожлантириш жамғармаси (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) маблағларини шакллантириш, бошқариш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 июлда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг (бундан буён матнда «Ўзавтотранс» агентлиги деб юритилади) шахсий ғазна ҳисобварағида (бундан буён матнда ҳисобварақ деб юритилади) жамланади ва ушбу Низомда белгиланган мақсадларга сарфланади.

2. Жамғарма маблағлари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар фақат юридик шахсларга ажратилади.

2-боб. Жамғарма маблағларини бошқариш

3. Жамғарма фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш «Ўзавтотранс» агентлиги ҳайъати (бундан буён матнда Ҳайъат деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

4. Ҳайъат унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Қабул қилинган қарор баённома шаклида расмийлаштирилади.

5. Жамғарма фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлашда қуйидагилар Ҳайъатнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Жамғармага келиб тушган маблағлар доирасида даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш;

Жамғарма маблағларини мазкур Низомда белгиланган мақсадлар учун йўналтириш (ажратиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамғарманинг чорак якуни бўйича даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш йўналишлари бўйича ижро органларини (бундан буён матнда Ижро органлари деб юритилади) шакллантириш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилмаганлик ҳолатлари аниқланганда зудлик билан уларни бартараф этиш, асоссиз харажатлар ва келтирилган зарар ўрнини қоплаш бўйича тегишли чоралар кўриш.

6. Ҳайъат ўз фаолиятини Ижро органлари орқали амалга оширади.

7. Қуйидагилар Ижро органларининг асосий вазифалари ҳисобланади: Жамғарма маблағларидан фойдаланиш йўналишлари бўйича лойиҳаларни шакллантириш;

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш йўналишлари бўйича келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш;

Ҳайъат томонидан юклатилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

8. Ижро органлари томонидан Жамғарма маблағларидан молиялаштирилиши лозим бўлган лойиҳалар уларни молиялаштиришнинг мақсадга му-

вофиқлиги ва зарурлигини баҳолаш мақсадида «Ўзавтотранс» агентлигининг илмий-техник Кенгашига экспертизадан ўтказиш учун киритилади.

9. «Ўзавтотранс» агентлигининг илмий-техник Кенгаши тақдим этилган лойиҳаларни кўриб чиқади, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини баҳолайди ва ўз қарорини баённома билан расмийлаштиради.

«Ўзавтотранс» агентлиги илмий-техник Кенгашининг лойиҳани молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарори лойиҳани Ҳайъатга молиялаштириш учун тақдим этишга асос бўлади.

10. Ҳайъат Ижро органи томонидан тақдим этилган лойиҳаларни кўриб чиқади ва қуйидагилар ҳақида қарор қабул қилади:

лойиҳани Жамғарма маблағларидан молиялаштириш ёхуд лойиҳани молиялаштиришни рад этиш тўғрисида;

лойиҳани (лойиҳаларни) қайта ишлашга ёки қўшимча баҳолашга йўналтириш тўғрисида.

11. Ҳайъатнинг лойиҳани Жамғарма маблағларидан молиялаштириш тўғрисидаги қарори асосида Жамғарманинг дастлабки сметасини тузиш учун Ҳайъат томонидан ишчи гуруҳ тузилади.

Ишчи гуруҳ Жамғарманинг дастлабки сметасини тузишда:

Жамғарма пул маблағларининг навбатдаги йилга тушумларини умумий ҳажмини белгилайди;

прогноз қилинаётган йил бошидаги Жамғарма маблағларининг қолдиғи ва йил давомида прогноз қилинаётган тушумлар ва харажатлар ҳажмини ҳисобга олади.

Ишчи гуруҳ томонидан тузилган Жамғарманинг дастлабки сметаси Ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

3-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби

12. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро автомобилда йўловчилар ва юк ташишларни амалга оширишга лицензиялар бериш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун тўланадиган давлат божи маблағларининг 100 фоизи;

«Ўзавтотранс» агентлигининг ҳудудий бошқармалари инспекторлари томонидан автомобиль ташувчилари соҳасида тузилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар бўйича ундириладиган жарималар суммасининг 84 фоизи;

Жамғармага юкланган вазифаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорлар кредитлари (заёмлари) ва грантлари;

давлат ва хусусий ҳамкорлик доирасидаги хусусий инвестициялар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

13. Жамғарманинг маблағлари қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:
илмий-тадқиқот ишларига;

йўловчилар автовокзаллари ва автостанциялари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли бўлган умумий фойдаланишдаги йўловчилар йўналишлари оралиқ бекатларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича дастурларга (бундан буён матнда инфратузилма объектлари деб юритилади);

автотранспорт воситаларини харид қилишга;

автомобиль транспортини бошқариш тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга;

«Ўзавтотранс» агентлигини сақлашни молиялаштиришга;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ–3584-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 5-бандига асосан Ихтисослаштирилган компаниялар томонидан жалб этилаётган кредитларни қайтариш ва улар бўйича фоизлар ҳамда комиссияларни тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга.

14. Жамғарма маблағларини мазкур Низомнинг 13-бандида назарда тутилмаган мақсадларга йўналтирилишига йўл қўйилмайди.

4-боб. Жамғарма маблағларидан йўналишлар бўйича фойдаланиш шартлари

1-§. Илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш

15. Илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда Ижро органи томонидан қуйидаги талабларга жавоб берадиган лойиҳалар танлаб олинади:

автомобиль транспортини хавфсизлигини таъминлашда илғор инновацион технологияларни жорий этишга;

юқори сифатли транспорт хизматлар стандартлари, назарий-методик ҳужжатлар ва автомобиль транспортини иқтисодий-математик моделлашга (оптималлашга);

янги техника, технология ва материалларнинг асосан муайян турларини яратиш ёки комплекс назарий ва экспериментал изланишлар давомида амалий натижаларга эришишга йўналтирилган лойиҳалар.

16. Илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда «Ўзавтотранс» агентлиги илмий-техник Кенгаши томонидан экспертизадан ўтказилган лойиҳалар лойиҳани молиялаштириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарори бўлгандагина Жамғарма маблағларидан молиялаштирилади.

2-§. Инфратузилма объектларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш

17. Инфратузилма объектларининг ҳар йилги қурилиш, реконструкция

қилиш ва таъмирлаш ҳажмлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги ПҚ–3589-сон «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган параметрлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукуматининг тегишли қарорлари ва топшириқлари асосида шакллантирилади.

18. Ижро органи томонидан инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манзилли рўйхатлар тузилади ва «Ўзавтотранс» агентлиги томонидан тасдиқланади ҳамда тасдиқланган манзилли рўйхатлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилади.

19. Инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашни амалга ошириш учун пудратчи ташкилотларни аниқлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. Инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш юзасидан пудратчи ташкилотларни молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори билан тасдиқланган Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

21. Манзилли рўйхатга киритилган инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш юзасидан лойиҳа ҳужжатлари, ажратилган молиялаштириш маблағларининг мақсадли фойдаланилганлиги, бажарилган ишларнинг ҳажми ва сифатини назорат қилиш «Ўзавтотранс» агентлиги томонидан амалга оширилади.

22. Инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш юзасидан манзилли рўйхатга йил давомида қўшимча объектларни киритишга авария ҳолатлари ҳамда молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади.

3-§. Автотранспорт воситаларини харид қилиш учун маблағлар ажратиш

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли қарорлари билан тасдиқланган автотранспорт воситаларини янгилаш (харид қилиш) бўйича параметрлар доирасида ташувчиларга автотранспорт воситаларини харид қилиш учун шартнома асосида қайтариш шарти билан маблағлар ажратилади.

24. Жамғармадан маблағларни олиш учун мурожаатчи «Ўзавтотранс» агентлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Жамғармадан пул маблағлари олиш учун талабнома;
мблағ олувчи тўғрисида асосий маълумотлар (ташкилий-ҳуқуқий шакли, таъсисчилар, фаолиятнинг асосий тури ва бошқалар);

сўралаётган маблағ миқдори, маблағлар мақсади;
маблағлардан фойдаланишнинг назарда тутилаётган йўналишидаги бизнес-режа;

солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган охириги ҳисобот даврига бухгалтерлик баланси (1-сон шакл) ва молиявий натижалар ҳақида ҳисобот (2-сон шакл), янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар бундан мустасно.

25. Маблағлар олиш учун «Ўзавтотранс» агентлиги ва маблағларни олувчи ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда икки томонлама шартнома расмийлаштирилади.

4-§. Автомобиль транспортини бошқариш тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга маблағлар ажратиш

26. Автомобиль транспортини бошқариш тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси доирасида маблағлар ажратилади.

27. Автомобиль транспортини бошқариш тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга маблағлар ажратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги ПҚ–3589-сон қарори билан тасдиқланган Автомобиль транспорти бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Дастури доирасида устувор равишда амалга оширилади.

5-§. «Ўзавтотранс» агентлигини сақлашни молиялаштириш

28. «Ўзавтотранс» агентлигини сақлаш билан боғлиқ харажатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган «Ўзавтотранс» агентлигининг даромадлар ва харажатлар сметаси доирасида молиялаштирилади.

29. Экологик, соғломлаштириш ва хайрия жамғармалари, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, меҳнат органлари, жисмоний тарбия ва спорт, ўқув муассасалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун субсидиялар, тўловлар, ҳомийлик ва хайрия ёрдами шаклидаги маблағлар фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларига мувофиқ амалга оширилади.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ–3584-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 5-бандига асосан Ихтисослаштирилган компаниялар томонидан жалб этилаётган кредитларни қайтариш ва улар бўйича фоизлар ҳамда комиссияларни тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга йўналтирилади.

ган маблағлар «Ўзавтотранс» агентлигини сақлаш билан боғлиқ харажатлар доирасида амалга оширилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

31. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмай қолган маблағлари кейинги йилга ўтади.

32. Ҳайъат Жамғарма маблағларининг қонунийлиги ва мақсадли йўналтирилиши учун жавобгар бўлади.

33. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

34. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2018 йил 26 июнь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2018 йил 26 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

635 **Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидаларининг 115-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2238-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ–5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2011 йил 11 апрелдаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 2238, 2011 йил 29 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 26-сон, 275-модда) билан тасдиқланган Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидаларининг 115-бандидаги «Миллий» деган сўз «Давлат» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 июль,
116-Н-сон

Келишилган:

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2018 йил 24 июль

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 июлда эълон қилинган.

*Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси*

Р. ГУЛЯМОВ

2018 йил 24 июль

*Давлат хавфсизлик
хизмати раиси*

И. АБДУЛЛАЕВ

2018 йил 24 июль

*Давлат божхона
қўмитаси раиси*

М. АЗИМОВ

2018 йил 24 июль

*Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазири*

А. АХМЕДХАДЖАЕВ

2018 йил 24 июль

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиакомпанияси
бош директори в. б.*

Б. ХАКИМОВ

2018 йил 24 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИНИНГ КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

636 «Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантириш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2673-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 мартдаги 212-сон «Академик лицейларга умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини танлаб олиш, ўқишга қабул қилиш, уларнинг ўқишини кўчириш ва ўқишдан четлатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2015 йил 7 майдаги 12-мх ва 21/ққ-сон «Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантириш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2673, 2015 йил 13 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 19-сон, 241-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 20 июль,
34-сон

Ш. ШЕРМАТОВ

**Касб-хунар таълими
маркази директори**

Тошкент ш.,
2018 йил 20 июль,
6/ққ-сон

М. ХОЛМУХАМЕДОВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 июлда эълон қилинган.

Келишилган:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 20 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

637 Асосий дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3045

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ буюраман:

1. Асосий дори воситалари рўйхати иловага** мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 июль,
41-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 30 июлда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

638 «Ўзчармсаноат» уюшмаси аъзолари — ташкилотлар учун солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференциялари қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3046

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги ПҚ–3693-сон «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Ўзчармсаноат» уюшмаси аъзолари — ташкилотлар учун солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференциялари қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 9 июль,
105-сон

Д. КУЧКАРОВ

Иқтисодиёт вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 9 июль,
23-сон

Б. ХОДЖАЕВ

**Давлат солиқ қўмитаси раисининг
биринчи ўринбосари**

Тошкент ш.,
2018 йил 9 июль,
2018-53-сон

Б. МУСАЕВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 июлда эълон қилинган.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 июль,
01-02/8-50-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,
Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона
қўмитасининг 2018 йил 9 июлдаги 105, 23,
2018-53, 01-02/8-50-сон қарорига
ИЛОВА

**«Ўзчармсаноат» уюшмаси аъзолари — ташкилотлар учун
солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференцияларини
қўллаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги ПҚ–3693-сон «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзчармсаноат» уюшмаси (бундан буён матнда Уюшма деб юритилади) аъзолари — ташкилотлар учун солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференцияларини (бундан буён матнда имтиёзлар деб юритилади) қўллаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги ПҚ–3693-сон «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Уюшма аъзолари — ташкилотларга 2023 йилнинг 1 январигача қуйидаги қўринишдаги имтиёзлар берилади:

фойда солиғи ва мол-мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш;

белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, Уюшма аъзолари — ташкилотлар томонидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, материаллар ва фурнитура учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этиш;

юкоридаги тасдиқланадиган рўйхатларга киритилмаган, ўз ишлаб чиқариши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё, ма-

териаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашни 60 кунга қадар муддатга кечиктириш.

2. Юқорида кўрсатилган имтиёзлар фақат қуйидагиларга нисбатан қўлланилади:

замонавий автоматлаштирилган мажмуалар билан жиҳозланган чорва молларини сўйиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларга;

чарм, мўйна, қоракўл хом ашёси ва жунни йиғиш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларга, кейинчалик ушбу хом ашё қайта ишлаш (ишлатиш) учун фақат Уюшмага аъзолари — ташкилотларга сотилганида ҳамда ялпи тушумнинг умумий ҳажмида ушбу турдаги фаолиятдан тушган тушумнинг улуши ҳисобот даври натижалари бўйича камида 80 фоизни ташкил қилганда;

чарм, мўйна, қоракўл хом ашёси ва жунни қайта ишлаш, шунингдек, бутловчи буюмлар, фурнитура, сунъий чарм, чарм-пойабзал, чарм-атторлик, мўйначилик, қоракўл маҳсулотлари ва жундан ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни амалга оширадиган ташкилотларга, агар ялпи тушумнинг умумий ҳажмида ушбу турдаги фаолиятдан тушган тушумнинг улуши ҳисобот даври натижалари бўйича камида 60 фоизни ташкил қилса;

«Ўзчармимпэкс» унитар корхонасига.

3. Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 1463, 2005 йил 2 апрель) 3-бандига мувофиқ бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатишни назарда тутмайдиган солиқ ва божхона имтиёзлари беришда бюджетга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловлар ҳисобланмайди ва маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) ва бошқа мулкни сотиш (сотиб олиш) нархига киритилмайди.

Бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатишни назарда тутмайдиган солиқ ва божхона имтиёзларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1463, 2005 йил 2 апрель) билан тартибга солинади.

2-боб. Имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш

4. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар олиб кириладиган товарларни муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига ўтказиш божхона расмийлаштируви пайтида тақдим этилади.

5. Мазкур Низомнинг 1-банди тўртинчи хатбошисида назарда тутилган божхона тўловларини тўлашни кечиктириш бўйича имтиёзларни олиш учун Уюшма аъзолари — ташкилотлар томонидан божхона органларига Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 330-моддасига мувофиқ ҳужжатлар тақдим этилади.

6. Имтиёз қўллаш учун мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган Уюшма аъзолари — ташкилотлар ҳисобот даври якунлари бўйича йиллик солиқ ҳисоботи билан бирга давлат солиқ хизмати органларига мазкур Низом иловасида келтирилган шаклга мувофиқ Маълумотнома ҳисоб-китобни тақдим этади.

7. Уюшма аъзоси — ташкилот имтиёзлар бериш учун мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган мезонларга мос келмаслиги аниқланган ҳолларда, имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўланиши бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади.

Уюшма аъзоси — ташкилот имтиёзлардан фойдаланиш учун мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган мезонларга мос келмай қолиш фактлари аниқланганда, давлат солиқ хизмати органлари 10 иш куни ичида аниқланган фактлар тўғрисида аввал тўланмаган божхона тўловларини ундириш чораларини кўриш учун давлат божхона хизмати органларини хабардор қилади.

3-боб. Якуний қоидалар

8. Солиқ ва божхона имтиёзларининг тўғри қўлланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

9. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

10. Ушбу Низом «Ўзчармсаноат» уюшмаси билан келишилган.

*«Ўзчармсаноат»
уюшмаси раиси*

С. УМУРЗАКОВ

2018 йил 9 июль

«Ўзчармсаноат» уюшмаси аъзолари —
ташкilotлар учун солиқ ва божхона
имтиёзлари ва преференциялари қўллаш
тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

_____ га тақдим этилади.

(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

_____ (корхонанинг тўлиқ номи)

_____ манзил бўйича жойлашган

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома

2. Ташкил этилган сана (кун/ой/йил)

3. СТИР

4. ИФУТ

5. Телефон: код рақам

_____ йил учун
Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш тўғрисида
МАЪЛУМОТНОМА — ҲИСОБ-КИТОБ

Имтиёзни қўллаш учун асос _____

(норматив ҳужжатнинг номи)

_____ минг сўм

Маҳсулот тури	Сумма	Умумий ишлаб чиқариш ҳажмида фоиз ҳисобида
Ишлаб чиқариш ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз ҳақиқатдаги нархларда), жами		
шу жумладан		
улардан имтиёз тақдим этилган маҳсулот		

Ушбу маълумотларнинг ишончлилиги
ва тўлиқлигини тасдиқлайман

Раҳбар

СТИР

Ф.И.Ш. _____

Имзо _____

Бош бухгалтер

СТИР

Ф.И.Ш. _____

Имзо _____

Сана

(кун/ой/йил)

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 21 июлдан 27 июлгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 26 июндаги 6-сон «Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлигига номзодларни махсус тайёргарликдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 21 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3041.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 16 июндаги 21/4-сон «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1344-5.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/25-сон «Кредит бюроларининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2318-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/23-сон «Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3042.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 10 июлдаги 24, 112-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Обод маҳалла» жамғармаларини ташкил этиш, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3043.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазир-

лигининг 2018 йил 12 июлдаги 38, 111-сон «1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ҳар йили санаторийларда соғломлаштириш курсини олиш ўрнига йўлланманинг ўртача қийматига тенг компенсация бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2913-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 25 июндаги 56, 47-сон «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981-1.

8. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги бошлигининг 2018 йил 26 июндаги 369-сон «Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг автомобиль транспортини ривожлантириш жамғармаси ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3044.

9. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 24 июлдаги 116-Н-сон «Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қодаларининг 115-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2238-3.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими марказининг 2018 йил 20 июлдаги 34, 6/ққ-сон «Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантириш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2673-1.

11. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 20 июлдаги 41-сон «Асосий дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3045.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 9 июлдаги 105, 23, 2018-53, 01-02/8-50-сон «Ўзчармсаноат» уюшмаси аъзолари — ташкилотлар учун солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференциялари қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3046.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг «Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантириш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2673, 2015 йил 13 май).

Адлия вазирининг 2018 йил 27 июлдаги 392-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.